



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1996 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 143 (9.033)

1997 йил

19 декабрь, жума

Сотувда эркин нархда

Бунёдкорлик — салоҳиятимиз рамзи



Мустақиллик берган имкониятлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, пойтахтимиз Тошкент қиёфаси ўзгача салобат ва ғузалик касб этаётди. Янги қурилган хибон ва йўллар, куприклар, мамлакатимиз салоҳиятини рамзи бўлган бинолар билан Президент Ислам Каримовнинг танишиши яхши аъёнига айланиб қолди.

Хадра — Тошкентнинг энг гавжум майдонларидан бири. Бу ерда транспорт қатновини тартибга солиш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ер ости йўллари қурилди.

18 декабрь кунини давлатимиз раҳбари ана шу майдонни кўздан кечириди. Бу ишга мутасадди бўлган раҳбарлар, қурувчилар, йўлсозлар билан суҳбатлашди.

Йўллар одамларга қулайлик туғдириш мақсадида қурилар экан, ундаги ҳар бир чирок, белги, йўл ёқасидаги чегараловчи тўсиқлар — ҳаммаси ана шу мақсадга хизмат қилиши керак, деди Президент. Бундан ташқари йўл ва унинг атрофидаги бинолар ўртасида, майдоннинг бир-бири билан туташishiда

мутаносиблик, уйғунлик бўлишига эришиш лозим. Халқлар дўстлиги ва Хадра майдонларини туташтирувчи ер ости йўллари, майдонда амалга оширилаётган қурилиш ишларини ниҳоясига етказишда ана шу нукта назардан ёндашиш зарурлиги таъкидланди. Тегишли раҳбарларга бу борада тавсиялар берилди.

Янги йил арафасида яна бир иншоот — республика Олий Мажлисининг мухташам биноси қуриб битказилди. Замонавий технология ва миллий меъморчилик аъёнлари асосида бунёд этилган маъмур иншоотни кўздан кечириб, ҳеч нарса Президентнинг назаридан четда қолмади. Деворларни қадимий миниатюра услубида безаш, фаввораларга рангли чироқлар ўрнатиш ҳақида маслаҳат берди, эшик ва қандинларнинг қарда тайёрлангани билан қизиқди. Шуниси қувончлики, уларнинг аксарияти ўзимизда тайёрланган. Демак, бу қандил ва бошқа буюмлар ўз номи ва патентига эга бўлиши керак. Чунки унда, Ўзбекистонда тайёрланган унга ўхшаш ҳар бир буюмда халқимизнинг илми, ўқир эҳси ва фидокорона меҳнати мужассамдир. Биз ана шу меҳнатни қадрига билишимиз лозим, дея ўқитди Президент. Парламент биноси атрофини қулакамзорлаштириш, уни Миллий боғ билан ягона мажмуага айлантириш бора-сида зарур маслаҳатлар берди.

Бундай маҳаббатли бинолар миллиятимиз фахри, юртимизда қарор топган тинчлик ва оқойишталик самарасидир, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Қолаверса, парламент халқ хоҳиш-иродасини ифодаловчи, демократия жараёнлари чуқурлашиб бораётган Ўзбекистоннинг рамизи экан, мана шундай кўнглимиз каби оқ, орзуларимиз каби сарбаланд бинодо ишловчи раҳбарлар, биноларнинг улкан ва қудратли устуналари

Янгиликка интилиш

кабелсозларга Инсон манфаатлари йилида катта муваффақиятлар келтирди

Янги йил бўсағида турибди. Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилда халқ бахт-саодатига қаратилган дастурлар тўлиқ бажарилиши йўлида фидокорона меҳнат қилганлар иш натижаларининг дастлабки сарҳисобларини қияптилар.

Бозор иқтисодиёти сабоқларини пукта ўзлаштирган «Ўзбеккабель» ҳисдорлик жамияти аъзолари кичик муддат — 3 йил ичида қўлқар сафидан илғорлар даражасига чиқиб олдилар. Корхона цехлари янги техника билан тўла қурилди. Холлисанига айтганда Тошкентимизнинг манаман деган ишлаб чиқаришлари хали жажон бозорини орзу қилиб юрган бир даврида 71 фоиз маҳсулотини чет элга сотаётган кабелсозларнинг ишидан қувонма бўладими?

— Президентимиз утаётган йилимизни бежиз Инсон манфаатлари йили деб атамадилар, — дейди бизга жамият бошқарувининг раиси Хусниддин Тожиев. — Шундай экан, келинг, яхшиши гапни ишчиларга яратилган шарафдан бошлайлик. Жамомизда уш мундан ортқ киши меҳнат қилади. Улар учун барча зарур шарафлар яратилган. Корхона қўшмада бир неча дам олиш масканлари ишлаб турибди. Сирдарё бўйидаги оромгоҳ, Анреннинг Лошарки қишлоғидаги дам олиш уйи, Хондайликдаги 500 ўқувчи мўлжалланган «Эйлола» спорт-соғломлаштириш мажмуаси шулар жумласидандир. Корхона қўшмада иккита боғчада ишчи ва хизматчиларнинг кичиктойлари тарбияланилади. Бундан ташқари 75 ўринли шифохона ва поликлиника куну тун жамоа хизматиди.

Бозор иқтисодиёти албатта, туб ўзгаришларни талаб қилади. Бунини яхши тушуниган кабелсозлар хаммаи янгиликка интилиб ишлашмоқда. Ҳозир барча цехлардаги ускуна ва дастохлар деярли янгиликка бўлиниди. Корхонада АҚШ ва Италия фирмаларидан олиб келинган ускуналар қўллаб ўрнатилди ва ўрнатилмоқда. Янги дастохларнинг ҳисобларини кўндан-кўнга олиб бораётган экспорт маҳсулотининг ҳажмидан ҳам бисла бўлади. Шунингдек, Германиянинг «Сименс» ва Италиянинг «Да-Анжела» фирмалари билан технологик жаровидаги янги тадбирлар киритиш бўйича иш олиб бориляпти.

Биринчи АҚШ технологиясини ўрнатилган цехини олайлик. Шундай катта цехни пултда ўқитган бир кишигина бошқаради. У ҳам бўлса электрон-дастурли машина ишини кузатади, холос. Таъбир жоиз бўлса бу ҳолини «муҳажир» деб атагимиз келди. Ахир оддий бир мисл пластмасани кўз ўнгимизда бир неча жараённи ўтаб, тайёр маҳсулотга айланиб турса, ақли машина уни рисоладагидек бошқарса, бунинг ўзига қандай аташ мумкин? Цехнинг йиллик қуввати 75 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга тенг. Агар бир тонна кабелнинг умумий баҳоси 2800 доллардан 3,5 минг дол-

ларгача ўлчанадиган бўлса, тахминий ҳисобни қияриб олиш унчалик қийин бўлмаса керак.

Корхона бугун республикамизда учун керак бўладиган кабелларнинг 80 фоизини етказиб бериш билан бирга 2 минг турдан ортқ маҳсулот ишлаб чиқаряпти. «Ўзбеккабель» тамғаси туширилган маҳсулот ҳамма жойда қўлма-қўл. Чунки у сифат ва чидамлилиги билан ажралиб туради. Шу тўғрисида маҳсулот жажон бозоридан тобора мустаҳкам ўрин олиб бормоқда. Масалан, корхона шу йилининг биринчи ярим йиллигида 5,5 миллион долларлик маҳсулотини жажон бозорига сотиб ўлтурган бўлса, йиллик кўрсаткич эса бу рақамнинг тенг баробар ошмишдир даража берапти. Бундай натижага фақат замонавий асбоб-ускуна ва илғор технология билан жижозланган корхонагина эришиши мумкин.

— Маҳсулот сифатини жажон андозалари даражасига етказиш устида иш олиб борар эканмиз, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни барча кўрсаткичлар бўйича Евро маҳкамаларидаги корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққословчи жадал тўзиб олдик, — дейди Хусниддин Тожиев ўз сўзини давом эттириб. — Қомил ишонч билан айтманки, асосий товар маҳсулотларимиз физик-механик кўрсаткичлари бўйича жажон андозаларига тўғри келмоқда.

Лекин баъзи бир кўрсаткичлар бўйича масалан, маҳсулотни қадоклаш, белгиларини тамғалаш бўйича хали бирмунча ишлар қилишимиз керак.

Корхона шахримизда биринчилардан бўлиб давлат ҳисдорлиги жамиятига айланди. Бундай янги усулга ҳар томонлама пукта тайёргарлик қўлган ва мулкдорлик ҳисси шакллана бошлаган жамоатгина жажон эга олади. Шундай жараёни узида тўла акс эттира олганлиги сабабли янгиликка юз бурган корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортди. Меҳнат иғтисоми, ҳом аъёни тежаб ишлатиш масалалари бевосита иш жойининг ўзидан, меҳнат жамоалари томонидан бошқариладиган бўлди.

Кабелсозларнинг чикитисиз маҳсулот ишлаб чиқаришга утгарилари ана бўлди. Бунинг учун алоҳида чикитдиларни тайёр маҳсулотга айлантириб берадиган цех ишлаб турибди. Бу ердаги барча жараянлар ҳам техника кучи билан бажарилади. Цехга ўрнатилган Швеция ускуналари маҳсулотга қайта жон бағишлайди.

Ҳозир корхонада йил сарҳисоби чикитилмоқда. Дастлабки кўрсаткичлар бу йилги ишлаб топилган даромад ўтган йилдагидан анча ортқилигини кўрсатяпти. Утган йил натижалари бўйича ҳар бир 200 сўмлик акцияга 232 сўмдан дивиденд олган акциядорлар бу йил янада кўпроқ қўшимча даромад олишдан умиддор бўлиб туришмоқда.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Ойла манфаатларини кўзлаб

Бутун республикамизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам ойла манфаатларини таъминлаш бўйича 1998 йил учун аниқ дастур ишлаб чиқишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 декабрдаги Фармойишининг тўла бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ҳокими фармойиши билан оиланинг жамият тараққийотидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, 1998 йилдан ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш, аҳолининг миллий ва сийсий олинини янада юксалтириш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштиришнинг аниқ ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш мақсадида шаҳар комиссияси тўзилди.

Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаевнинг раислик қилаётган ушбу шаҳар комиссияси таркибига шаҳар мажмуалари ва бошқармалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, туман ҳокимлари киритилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ушбу шаҳар комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаев олиб борди.

Мажлисда сўзга чиққан шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарид Абдурахимов, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Бюстиқболстат бошлиғи Руслан Шабдурахимов, шаҳар ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳининг раҳбари Раҳим Рўзимухаммедов, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг раиси Саид Салимов, Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Хамидулла Йўлдошев, республика радиоси «Тошкент» студиясининг бош муҳаррири Абдуҳаким Даминов Президентимизнинг 1998

йилини Ойла йили деб эълон қилганликлари пойтахт аҳолиси жуда катта манмуни билан қарши олганликлари алоҳида таъкидланди. Ҳозирги пайтда тегишли муассасалар, ҳужалик бошқаруви органлари ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан оила манфаатларини таъминлашга қаратилган аниқ тақдирлар тайёрланаяпти. Бу ишга етакчи олимлар, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилган.

Шаҳар комиссияси 25 декабрда бу тақдирларни умумлаштириб чиқади ва Ойла йили учун мўлжалланган аниқ ҳудудий дастурини тайёрлайди.

Ойла йили манфаатларини таъминлашга қаратилган ушбу шаҳар ҳудудий дастури 6 бўлимдан иборат бўлиши кўзда тутилмоқда. Унда, хусусан, оиладаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш ва билим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, оила даромадлари, унинг аъзолари бандлиги даражасини ошириш, уй меҳнати ва турмуш шарт-шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий қизиқишларини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, билимдон ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, оила муаммоларини илмий ва ижтимоий таҳлил этишини чуқурлаштириш, оила, аёл ва болаларнинг иқтисодий ҳамада ижтимоий маъводини кўрсатиш статистик ахборотлар тўплаш тизимини такомиллаштириш ўз ифодасини топади.

Ҳамкорлик

САРА УРУҒ — БАРАКАПИ ҲОСИП

17 декабрь кунини бир гуруҳ Миср қишлоқ ҳужалик ҳодимлари Тошкентга келди. Ушбу делегация таркибига Миср қишлоқ ҳужалиги вазири қишлоқ қаралиш озиқ-овқат санаети институтининг директори Аҳмад Хуриш, маъмур вазири қишлоқ боғдорчилик ишлари бўйича маслаҳатчиси Халифа Оқаша, боғдорчилик институтини мутахассислари Ойил Мутавалий ва Мухаммад Закияр бор. Маъмур таъмир Ўзбекистон ва Миср қишлоқ ҳужалиги тадқиқотлари марказлари таъжрибаларини алмашиш дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат қишлоқ ҳужалиги мутахассислари қатор экинлар уруғларини алмаштириш ва айирбошлаш масаласини кўриб чиқдилар. Ўзбекистонда Миср бугдой уруғи юқори ҳосил беришини кўрсатди. Республиканимиз бозориди Бельгия компанияси томонидан сотилаётган Миср гуручи ҳам серхосиллиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда Ўзбекистондаги кўпгина экинлар уруғларини ҳам мисрликларни қизиқтирмоқда.

Миср делегацияси Ўзбекистонда таъжриба йўсинида экиб қўрилиш учун 520 килограмм навли «Саха» деб аталмиш бугдой уруғини ҳамда 28 навадаги мева-чевавалар уруғларини ўзлари билан бирга олиб келдилар.

«ПАХТАКОР»НИНГ МАВСУМОДИ ТАЙЁРГАРЛИГИ

1997 йилги мамлакат Кубоги соҳиби «Пахтакор» жамоаси ўзининг янги мавсумга бағишланган илк йиғинини ва дастлабки машғулотларни Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатига ўтказиш

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида Президентнинг «Капитал қурилиши ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қурилиш сифатини яхшилаш, нарх белгилашни такомиллаштиришга доир вазифаларга бағишланиб вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, банклар, қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган кенгаш ўтказилди.

• Республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Европа тикланиш ва тараққийёт банки билан Тошкент аэропорти ўртасида Тошкент аэропортининг ҳавога қўрилиш ҳамда қўниш йўлаги, қўтиш зали, емакхоналар, юк ташуш, коммуникация ва бошқа хизмат кўрсатиш жойларини жажон андозалари даражасида таъмирлаш учун 48 миллион АҚШ доллари миқдориди кредит ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди.

• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан Россиянинг «Трансаэро» компанияси «МДХ альянс» иттифокнинг таъсисчилари бўдилар. Ҳар икки мамлакат авиакомпаниялари учуш йўналишларини бир-бирига мувофиқлаштириш ушбу янги иттифокнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

• Фаргона вилоятида Жанубий Кореянинг «ДЭУ текстильз компани» компанияси билан ҳамкорликда 23 миллион погон метр мато ишлаб чиқариш қувағига эга бўлган тўқимачилик корхонаси қурилишига киришилди. У 1998 йилнинг июнь ойидаёқ маҳсулот бера бошлайди.

• Бухорода қунига 1 минг йўловчига хизмат кўрсатадиган янги темирйўл вокзали ҳужаи тўшди.

• Кеча Тошкентдаги Ҳамза номли театрди ўзбек мусиқа санъатининг атоқли намояндаларидан бири академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Ўзбекистоннинг ХХРдаги элчихонасида Президент Ислам Каримовнинг хитой тилида нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт кафолатлари» китобининг тақдирот маросими ўтказилди.

• Тошкентда авиакомпаниясининг Хўжанд-Шаржа йўналиши бўйича парвозни амалга ошираётган ТУ-154 самолёти Бирлашган Араб Амирликлариди фалокатга учраб, 85 киши ҳалок бўлганлиги муносабати билан ўтган кунини мамлакатда миллий мотам кунини бўлди.

• Қирғизистонда ўтказилган аттестация яқунлари бўйича маҳаллий ҳокимият идораларининг камида 14 минг нафар амалдори вазифасидан четлаштирилган бўлди.

• Ашхабодда навбатдаги улкан иншоот — 70 метрли олтин минора қурилишига киришилди. Унинг тепасига Туркманбошининг улкан ҳайкали ўрнатилди.

• Тарихда биринчи бор Вашингтонда АҚШ билан Хитой ўртасида мудофаа масалалари бўйича маслаҳат музокаралари бўлиб ўтди. Унда ҳарбий-денгиз соҳасида маслаҳатлашиш тўғрисидаги битимни имзолашга ҳамда инсонпарварлик ёрдамларига оид ахборотларни айирбошлашга келишиб олинди.

• АҚШ Президенти Билл Клинтон Эрон Президентини Мухаммад Хатомийнинг 14 декабрда Америка халқи билан яқин вақт ичида мулоқот бошлаши тўғрисида

ги расмий баёнотини табриклашини билдирди. Маълумки, 1979 йил Эрон инқилобчилари АҚШ элчихонасини қўлга олиб, 52 нафар америкаликни бир йилдан кўпроқ вақт давомида гаровга ушлаб турганликлари муносабати билан ушунда АҚШ Эрон билан дипломатик алоқаларини узган эди.

• Дания пойтахти Копенгагенда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда «қайноқ нуқталар»даги аҳвол ҳамда ушбу ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашуви кун тартибига қўйилиши режалаштирилган масалалар кўриб чиқилди.

• Россия Бош вазири Виктор Черномырдиннинг Туркияга икки кунлик расмий таширифи якунида икки мамлакат ўртасида 65 миллиард доллар қийматидаги шартнома имзоланди. Унга кўра Россия Қора денгиз туби орқали 1213 километрлик қувур ўтказиб, Туркияга 2000 йилда 3 миллиард, 2010 йилга бориб эса 16 миллиард куб метр газ етказиб беради.

• Грузия парламенти мамлакатнинг МДҲдан чиқиш масаласи бўйича махсус комиссия ташкил этди. У 1998 йил апрелига қадар парламентга бу масала бўйича ўз ҳулосасини бериши керак.

• Жанубий Африка Республикасининг 79 ёшли Президенти Нельсон Мандела ўз ихтиёри билан ҳўмрон Африка Миллий конгресси партияси раислигидан воз кечди ҳамда 1999 йил апрель ойида бўладиган давлат раҳбари сайловларига ўз номзодини қўймаслигини айтди. Ҳўмрон партиянинг бугун ўз ишини якунлайдиган 50-қурултойида 55 ёшли ҳозирги вице-президент Табо Мбеки яқдл равишда партия раислигига тавсия этилди.

• Дастлабки маълумотларга кўра Жанубий Кореяда бўлиб ўтган президент сайловларида 8 номзод орасидан муҳолифатчилар вакили Те Жун энг кўп овоз олган.

• Икки кундан бери Украинанинг Грециянинг Салоники шаҳрига йўл олаётган Як-42 самолётини қидириш давом этмоқда. 70 киши бўлган бу самолёт Салоникидан 20 километр узоқликда тўсатдан гоийб бўлган ва Грециянинг шу ердаги тоғларига қулаб тушган, деб тахмин этилмоқда.

Футбол

режаланган. А. Иванов ва бразилиялик Вега да Сильва каби таъжрибали мураббийлар етакчилигидаги «Пахтакор» 1998 йилги мавсумга жиддий тайёргарлиқни бошлади.

Дилшод ИСМОИЛ.

ЁШЛАРГА — АПОХИДА ЭЪТИБОР

**Маълумотларга назар таш-
лайдиган бўлсак бекор юрганлар-
нинг асосий қисмини ёшлар таш-
кил этади. Шу боисдан балоғат
ёшидаги ўғил-қизлар билан иш-
лаш масаласига Акмал Икромов
тумани меҳнат биржасидагилар
алоҳида эътибор қаратишган. Бу
ҳақда биржа раҳбари Абдурахмон
Комиллов қуйидагиларни гапириб
берди:**

— Ёшларимизни, хоҳ ўғил бўлсин,
хоҳ қиз бола, тарбияли, одобли,
билимли ҳамда албатта бирон-бир хуна-
рли қилиб ўстириш, ҳаётга олиб кириш,
ҳозирги замон талабларига тўлиқ жа-
воб бера оладиган етук инсон қилиб
етиштириш вазифаси ҳар бир ота-она
ва катталар олдидаги асосий бурч са-
налади.

Бу борада ҳар бир ўспирин вояга
етилётган оиласида энг асосий ўрини
эгалласа-да, жамият, катта-кичик жа-
моатчилик, давлат, маҳаллий ҳокимият
ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиши ло-
зим. Биржамиз вакиллари билан бир
қаторда туманимиз маҳаллаларидан
ҳамда ҳокимлик қошидаги вояга етма-
ган ёшлар билан ишлаш комиссияси
ишини ҳам кўрсатсак бўлади.

Комиссия аъзолари томонидан ада-
шиб, ёшлик туфайли нотўғри қадам
ташлаб қўйган вояга етмаганлар маса-
лалари муҳокама қилинади. Уларга тан-
бех берилади ёки ота-онасига бирон
бир чора қўрилади. Буларнинг ҳамма-
си йўлидан адашиши мумкин бўлган
ёшни тўғри йўлга солиб юбориш мақ-
садида қилинади.

Туманимизда яшовчиларнинг асосий
қисмини, яъни 40 фоизини ёш ўғил-
қизлар ташкил этади. Уларнинг банд-
лиги масаласи бизнинг зиммамизга ту-
шади.

Яширишнинг ҳолати йўқ. Ташкилот,
корхона раҳбарларининг ҳаммалари ҳам
ёшлар иш сўраб келганида уларни ба-
жонидил қабул қилавермайдилар. Чун-
ки уларни ёшлар учун жавобгарлик
масъулияти биров бўлса-да ҳисобланади.

Мана шу вояга етмаган ёшлар меҳ-
натидан фойдаланиш масаласи ҳозир-
ги кунда тумандаги корхона ва ташки-
лотларда қандай йўлга қўйилган, деган
савол туғилиши табиий. Бу масалада
тумандаги корхоналарнинг барчаси биз
бирга мустаҳкам алоқада. Асосий кор-

Гулзода МАМБЕТОВА.

**Курувчилар одатда уйни
қуришни бошлашдан олдин
кўпроқ қурилиш ашёларининг
таъминоти ҳақида ўйла-
шади. Маълум миқдорда ке-
ракли ашёлар бор бўлса жа-
дал ишга киришади. «Хара-
кат бинокор» қурилиш фир-
масининг курувчилари ҳам
ана шундай жадаллик билан
ишга киришди.**

Бу фирма яқинда ташкил
этилган. Унинг раҳбари Лариса
Хапирисова. Курувчилар уй-жой
қуриш борасида биринчи маро-
таба иш бошлашди. Бобур кў-
часидаги насос станциясини
битказиб бўлишлари билан ҳам-
за туманида 32 хонадонга мўл-
жалланган уй қурилиши ҳақида
буюртма тушган, курувчилар ҳеч
нарсадан иккиланмай уйни ҳақ-
тида қуриб беришга аҳд қилиш-
ди.

Фирма бунёдкорлари ҳақида-
ги хабарни эшитиб, қурилиш
майдонига йўл олди. Бу ерда
иш қизғин. Кимдир гишт теряп-
ти, яна кимдир ром ўрнатмоқда.
Учинчи бир курувчи сувоқ иш-
ларини олиб борапти...

Биз курувчилар комплекс бри-
гадаси бошлиғи Машрабжон Ак-
баров билан суҳбатлашар экан-
миз, у киши қуйидагиларни га-
пириб берди.

— Ниятни яхши қилган инсон
ҳамиша ўз орсусига этади. Мен
ва касбдошларим ана шундай
умидда уйларнинг пойдеворини
тиклашга киришдик. Фирмага

аъзо бўлган ҳар бир курувчи ку-
рувчилик соҳасини мукаммал
эгаллаган, озгина бўлсада таж-
рибаси бор бўлиши керак. Чун-
ки биз пойдевордан то калит қўл-
га етгунгача бўладиган ишни
амалда бажаришимиз лозим. 30
нафар курувчимизнинг ҳар бири
2-3 хилдаги ишни бажара олади.
Бундан бир ой олдин 4 қаватли
уйдан ўтасини қуришимиз ҳақи-
да маълумот олганимиздан сўнг
тезда ишга киришдик. Асосан ги-
штли уй бўлгани учунми пойде-
ворни тезда кўтариб, томини ҳам

нг 1-қаватида айвон бўлмас эди.
Бунда эса бор. Ҳамма қаватлар-
да айвоннинг бўлиши, уйнинг
ташки қўринишига ўзгача жило
беради.

— Бу ердаги ишлар туғатгач,
яна қаерда иш бошлайсизлар?

— Фирмамиз номига қаердан
буюртма тушса, ўша ерда иш-
лайверамиз. Сабаби фирманинг
асосий вазифаси республика
миқёсидаги қурилиш ишларини
жадал олиб боришдан иборат.
Мақсадимиз эса — бунёдкорлик.
— Бундан кўриниб турибди-

Қурилиш

ҚЎШ БАЙРАМНИ НИШОНЛАШАДИ

ёпиб олди. Ҳозир асосан пар-
доз ишлари қилинапти. Оллоҳ
насиб этса Янги йил арафасида
хонадон соҳиблари қўш байрам-
ни нишонлашади.

— Уйларнинг ташқи кўрини-
ши жуда ихчам, ҳар бир квар-
тира неча хонадан иборат?

— Кўп йиллардан буён қури-
лиш соҳасида ишлаган бўлсам-
да, лекин бунақа лойиҳага дуч
келмаган эдим. Чунки ҳар бир
квартира 3,4 хонали, айвонлари
кенг. Лойиҳада кўпроқ шарқона
услуга эътибор қаратилган. Баъ-
зи бир баланд қаватли уйларни

ки, ишчиларингиз ҳам турли
вилоятлардан экан-да?

— Ҳа, ораимизда Тошкент, Қаш-
қадарё, Сурхондарё, Андижон ва
бошқа вилоятлардан келганлар
бор. Барчамиз бир-биримизга
ҳамкор ва ҳамнафасимиз. Айрим
ёши катталар ёшларга устозлик
қилиб иш ўргатади. Ёшлар эса
ўзaro тажриба алмашади. Мада-
минжон Шерматов, Эркинжон
Ашуров, Дилмурод Миралимов,
Зокиржон Акбаровларнинг иши
барчага ўрнак.

— Курувчилар оиласидан
узюкда экан. Уларга яшаш
учун шароит яратилганми?

— Инсон манфаатлари йили
сизнинг ҳаётингизда қандай из
қолдирапти?

— Ҳар бир нарсанинг ўз ўрни
бўлганидек, Инсон манфаатлари
йили ҳам жуда кўп инсонлар қал-
бида чуқур из қолдираётди. Иш
жараёнидан келиб чиқиб айтиди-
ган бўлсам, Янги йилда 32 хона-
дон уй-жойли бўлади. Бу уйлар-
ни топширишимиз барча фирма-
миз аъзолари учун қувончлидир.
Инсонлар қалбида илқилик, юз-
ларида табассум уйғота олсак,
буни олий мукофот деб биламан.

Сўхбатдош Гулзода АБДУЛЛА
қизи.

СУРАТЛАРДА: «Харакат бино-
кор» қурилиш фирмаси курувчи-
ларининг иш жараёнидан лавҳа-
лар.

Рустам Шарипов
олган суратлар.



МУСТАҲКАМ НЕГИЗ ЯРАТИЛДИ

**Ер ости қасрини бунёд этиш ишлари
кўпгина техник ва автоматик жараён-
ларга боғлиқ эканлигини Тошкент ме-
трополитени қурилиши ҳам яққол кўр-
сатиб турибди. Бугунги кунда Тошкент
метросининг навбатдаги Юнусобод йў-
налишини тиклаш ишлари жадал олиб
борилаётган бир шароитда кўплаб тех-
ник ускуна, мослама ва механизмларга
бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.**

Ана шу йўналишга хизмат қиладиган му-
ҳандислик корпуси минорасини қуриш учун
ҳам тараддуд қўрилмоқда. Янги йилдан эъти-
боран қад кўтара бошлайдиган бу иншоот
«Ўзтрансқурилиш» уюшмаси томонидан бунёд
этишга киришилади. Шу жараёнда энергетик
ва телемеханик диспетчерлик хизмати бош-
қаруви ҳам йўлга қўйилади.

Ишлар шундай жадал бораётган бир вақт-
да чўянли мосламалар етишмай қолиши ту-
файли қурилиш суръати бир мунча пасайди.
Метронинг «Минор» бекати билан «Бодомзор»
бекати оралиғида йўл қурилиши тўхтаб қо-
лиш хавфи туғилди. Ҳўш, нима қилиш керак?
Зарур мослама ва ускуналар йўқ деб қўл
қовуштириб ўтириб ҳам бўлмайди.

— Бунинг учун оқилона иш тутилди, — дей-
ди метрополитен қурилиши дирекцияси бош-
лиғи Георгий Варховтов. — Чўянли мослама-
лар аслида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
мамлакатларидан олиб келинади. Уларни ма-
ҳаллий шароитда мавжуд хом ашёдан ишлаб
чиқаришдан бошқа йўлимиз қолмади.

Кўндаланг бўлиб турган бу муаммони ижо-
бий маънода ҳал этиш мақсадида бизнинг
ташқилот «Тошкент — метролояиҳа» институ-
ти, «Тошкентметроқурилиш» трести билан ба-
маслаҳат иш тутди. Ана шу корхона ва ташки-
лот раҳбарлари тадбиркорлик билан ушбу
муаммони ҳал этишга киришдилар.

Етакчи мутахассислар жалб этилиб, ўзига
хоос конструкция лойиҳасини яратишга кири-
шилди. Унда махсус металл қуйилма устига
қопланадиган бетонли мослама тайёрлаш кўз-
да тутилган эди. Масалага бундай ёндошув
чўян ускуналарнинг мустаҳкамлигини ошириб,
уларнинг зилзила бардошлигини таъминлаш
имконини берди.

Нихоят, чўянли мосламаларнинг маҳаллий
хом ашё негизиде ясалган тажриба намунаси

яратилди. Энди уни ишлаб чиқаришни йўлга
қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш
вақти келди. Бунда бизга патент бюросининг
ёрдами фойда берди.

Шундай қилиб «Тошметролояиҳа» институ-
ти, «Тошкентметроқурилиш» трести ва қури-
лаётган метрополитен дирекцияси илмий-иш-
лаб чиқариш ҳамкорлиги катта бир муаммони
ўз вақтида ҳал қилишга йўл очиб берди. Ма-
ҳаллий хом ашёдан фойдаланиш асосида яра-
тилган янги технология метронинг Юнусобод
йўналишининг қолган станциялари оралиғида
бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш учун
мустаҳкам техник негиз яратиб берди.



Метро

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Ер ости қасрида поездлар қатновини
электр қувватисиз тасаввур этиб бўл-
майди. Шу сабабли ҳам Марказий Осиё-
да ягона ҳисобланган Тошкент метро-
политенини ишга туширишдан аввал
электр таъминот масалалари ҳал этил-
ган эди.**

Бугунги кунда ана шу асосий вазифа метро
электр таъминот хизмат бўлими зиммасига юк-
латилган. Шу ўтган йиллар мобайнида унинг
моддий-техник негизи янада мустаҳкамланди.
Стационар кўринишдаги аккумуляторли бата-
реялардан фойдаланила бошланди. Бундай
жараён такомиллаштирилиб, контакт тармоғи
юзга келди.

— Украинани мутахассислар билан ҳамкор-
ликда самарали изланиб, кичик габаритли эле-

ктродвигателлар электр хизматига тадбиқ
қилинди, — дейди бўлим бошлиғи Ғ. Соат-
тов. — Бу орада ҳозирда ҳам техник янги-
ликларни яратиш устида жиддий иш олиб
бормоқдамиз.

Электрокабелли линиялар изомияцияси
электр тармоғида асосий ўрин тутди. Шу
жараёнларни назорат қилиш учун дастлаб
биз шахта асбобларидан фойдаланган эдик.
Эндиликда улар ўрнини электрон тизим ас-
боб-ускуналари эгаллади.

Кўриниб турибдики, энергия ҳўжалиги кен-
г қамровли бўлиб, уни метрополитеннинг
жўш уриб турган қон томири десак мубо-
лага бўлмайди. Унинг фаолиятини йўлга
қўйиш мақсадида биз кўпгина корхона ва
ташқилотлар билан ҳамкорликда иш олиб
бораёلمиз. Эҳтиёт қисмлар, турли хил эле-
ктр жиҳозларга эҳтиёж катта эканлигини
инобатга олиб муайян корхона ва ташки-
лотларга буюртмалар бераётимиз. Ўтган
йилнинг ўзида 30 хилдан ортиқ номдаги
эҳтиёт қисмлар буюртма асосида тайёрлан-
ди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг «Академасбоблар»
илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан
ўрнатган яқин ҳамкорлигини кўрсатиб
ўтмоқчимиз. Бирлашманинг олимлари ва
мутахассислари бизнинг илтимосимиз
бўйича замонавий телемеханика тизимини
яратиш устида жиддий изланмоқдалар. Бун-
дай техник мосламалар метро электр
таъминоти учун зарур қурилмалар бўлиб
хизмат қиладди.

Бундан ташқари Чирчиқ трансформатор
заводи буюртмаларимизни ўз вақтида тўла
адо этиб, оғиримизни енгил қилмоқда. Бу
корхона бизга қуруқ трансформаторларни
тайёрлаб беришга киришди. Шунингдек,
завод турли агрегатларни етказиб бериш-
ни ўз зиммасига олди. Бу каби буюртма
жиҳозларни биз илгари Россия ва Украи-
надан олиб келишга мажбур бўлар эдик.

Германиядан юборилаётган стационар
аккумулятор батареялари ҳам қўл келмоқ-
да. Бу хил батареялар метронинг нимэлектр
бекатларида монтаж қилинаётди. Биз-
нинг бу соҳадаги ҳамкорликларимиз мет-
рополитен энергия ҳўжалиғи фаолиятини
янада жонлантиришда муҳим омил бўлиб
хизмат қиладди.

Акбар АЛИЕВ.

Саломатлик

МУВОФИҚЛАШГАН ҲОЛДА

тарбияланувчилар ва ўқувчилар
ўртасида сариқ касаллиги
тарқалмаслигининг олдини олиш
бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда санитария-эпидемиоло-
гия бошқармаси бошлиғи Абдул-
ла Мирзаев бугунги кунда мак-
таб ва бочалар, мактабдан таш-

қари муассасаларда санитария-
гигиена қоидаларига риоя қилиш
ахлоқ хусусида гапирди. Шаҳар
халқ таълими бош бошқармаси
бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев
болалар ўртасида сариқ касал-
лигининг учраётгани ўқув-тарбия
жараёнига бевосита таъсир қў-

сатаётгани ва бунинг оқибатлари
ҳақида сўзлади. Йиғилганлар мав-
жуд шароитдан келиб чиқиб, ўза-
ро мувофиқлашган равишда иш ту-
тиш лозимлиғига қелишиши ва
халқ таълими бош бошқармаси —
соғлиқни сақлаш бош бошқарма-
си санитария-эпидемиология бош-
қармасидан иборат учлик иш бош-
лади.

Мурод РАХИМОВ.

**Учқун ақанинг ода-
ти шу: ҳар кун эрта
сахар туриб, маҳал-
ла кўчалари бўйлаб
аста-секин юриб, гу-
зар ва дўконларни
бирма-бир айланиб
чиқади...**

Бир кун маҳалла гуза-
ри олдида ўтиб кетаёт-
ган эди, иссиққина оби
нонларни идишга солаёт-
ган мўйсафид киши уни
тўхтатди.

— Учқунжон, — деди у
киши, — кеча кишки
чойхонага бир киргандим.
Зап чиройли таъмирла-
шибди, кишининг кўзи қу-
вонади-я. Мана бундай
иссиқ нонлар ёпилаётган-
ни айтмайсизми! Ма-
ҳалла ободоналашиб бор-
моқда. Шундай савобли
юмушларга бош бўлаё-
сиз, барака топинг, иним.

Ҳа, мўйсафиднинг гап-
ларида жон бор. Ҳақиқа-
тан ҳам оталар яйраб хор-
дик чиқарадиган кишки
чойхона таъмирталаб бў-
либ, бир неча йилдан бе-
ри кимсасиз, хувиллаб
ётарди. Ҳашар йўли билан
қайта таъмирлангач бу
маскан нуроний кексалар
билан тўлиб, яна ўзгача
файз кирди.

Шу йилнинг Наврўз айё-
ми арафасида очилган гу-
зарда ёпилаётган иссиқ
нонлар, тандир сомсалар
сифатли, новвойларнинг
эса тўй-маърака ва бошқа
маросимларда хизматлари
катта бўляпти.

Учқун ака Қурбонов раҳ-
барлик қиладиган «Ривож»
маҳалласи Собир Раҳимов
туманидаги илгор маҳалла-
лардан бири ҳисобланади.
Кўчалари асфальтланган,
асосий қисми тунги чироқ-
лар билан таъминланган.
Барча хонадонлар газлаш-

кўрсатилган. «Ривож» ма-
ҳалласи ҳудудидаги тўкин
бозорча эса доимо кум-
лоқликларни ҳушнуд этиб
келмоқда. Бу жой ҳар кў-
ни сут-қатик сотиб олув-
чилар билан гавжум бўла-
ди. Учқун ака Фатхулло
Исаев, Абдували Фаниев,
Тулаган Раҳмонбердиев
каби фаоллар билан бо-
зорча фаолиятини назорат
қилиб туради. Сабаби —
ҳозирги қиш шароитида
шаҳар аҳолиси дастурхо-
нига сут ва сут маҳсулот-
лари етказиб бериш му-
ҳимдир.

— Яқинда маҳалла ҳу-
дудидаги дилни хира қи-
либ ётган ахлатхона ҳашар
ёрдамида тазаланди, —
дейди Учқун ака. — Шу
боис маҳалламизга ҳафта-
да 2 мартаба ахлат та-
шиш машинаси келади ва
ҳар бир хонадондан чиқин-
диларни йиғиб олади. Бу
усул яхши самара берди.
Эндиликда Қумлоқ кўча-
ларида ахлат уюмлари кўзга
ташланмайди. Бироқ ҳали
қилинажак ишларимиз
кўп, — дейди у.

... Биз ҳам маҳалла
янаям гуллаб-яшнашига
ишонамиз.

Дилдора ОРИПОВА.

Маҳалла

РИВОЖ ТОПАЁТГАН «РИВОЖ»

тирилган, телефон ва ка-
нализация тармоқлари
уланган. Ўрни келганда,
маҳаллада дорихона, озик-
овқат ва сабзавот дўкони,
сартарошхона аҳолига на-
мунали хизмат кўрсатаёт-
ганини айтиб ўтиш жоиз.
Маҳаллада яшовчи 40 на-
фар оилага моддий ёрдам

Шанхай. Яқин ўтмишда биз учун бу ўта узок, сеҳрли, турли ривоятлар билан чулганган жуда улкан, аҳолиси зич шаҳар кўп ҳолларда томлари бир-бирига улашиб кетган беҳисоб пастқам иморатлар тарзида гавдаланар эди...

Аммо, мана, бир ярим соат муқаддам Пекин аэропортидан кўтарилган «Боинг» оҳиста пастлаша бошлайди ва иллюминаторлар орқали Шанхайнинг ёғдуга чўмилган кўча ва иморатларини илғай бошлайсан. Ўша баландликдаёқ унинг ўта замонавий қиёфаси сезила бошлайди. Бироз ўтгач эса машиналар ўқдек учуши учун барпо этилган кенг ва раvon автомобиль йўлидан елиб борар экансан, ногаҳон қаерга келиб қолдим экан, деб ўйлайсан. Тезкорар йўлнинг икки томонидаги осмонўпар бинолар Нью-Йоркни эслатса, улар пештоқидаги иероглифлардан Токиодамани, деб қоласан. Баҳайбат бинолар сени ерга босиб, жуда мўъжаз қилиб қўяди. Эрталаб кун ёришгандан кейингина кеча нигоҳингга ташланган анчагина бинолар ҳали ҳавозалар билан бурқалганини кўрасан — улар қурилиши ҳали давом этапти.



Мисли кўрилмаган бу қурилиш кўлами ва суръатигаёйинчалик биз Шанхайнинг марказида ҳам, унинг машҳур шарқий қисми — Пудунда ҳам, йўлдош шаҳарчаларда ҳам дуч келдик. Булутлар орасига шўнғиган, ғоят ноёб меъморчилик ечимларига эга ушбу бинолар худди ёмғирдан кейинги кўзқоринлардек пайдо бўлмоқда. Ана шу «қувватбахш ёғингарчиликлар» — салмоқли хорижий сармоялардир. Афсуски, қўлимизга янгироқ маълумотлар тушмади. Аммо 1995 йилги кўрсаткичлар ҳам кишини лол қолдиради. Ўша йили Шанхайга жалб этилган хорижий сармояларнинг ҳажми қарийб 5,3 миллиард долларни ташкил этди. Бу 1994 йил кўрсаткичидан 36 фоиз кўп экан. Агар шаҳарга хорижий сармоялар оқими муттасил кўпайиб бораётганлиги назарда тутилса, унинг бугунги кундаги салмоғини тасаввур этиш қийин эмас.

Маҳаллий маъмурлар ва амалий доиралар вакиллари билан учрашувларда Шанхайнинг хорижий сармоялар учун бунчалик маъқуллиги сирлари билан кўп марта қизикдик. Турли сабабларга кўра жуда умумий тарзда олинган жавоблардан энг аввало хорижий сармояларни Хитойнинг чексиз-чегарасиз улкан ички бозори, Шанхайда таркиб толган қудратли ва жуда ривожланган инфратузилма ва бу ерда бизнес учун яратилган қулай шарт-шароитлар магнитдек ўзига тортипти, деган хулосага келиш мумкин.

Шанхайда бож олинмайдиган, молия-тижорат,

обод этишга 1993 йилда қилинган эди. Ўтган беш йил давомида Шанхайнинг шарқий қисми қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бугунги кунда ана шу осмонўпар бинолар орасида ҳам 420 метрли 88 қаватли иншоот ажралиб туради. Бу ерда халқаро савдо маркази жойлашиши мўлжалланган. Ҳозир бўй-баси билан ундан қолишмайди-ган яна бир осмонўпар бино қад ростламоқда. У японлар томонидан қурилмоқда. Келажакда эса ярим доира шаклида бу икки бино ёнида учинчиси ҳам барпо этилиши керак. Шанхайликларнинг ўзлари агар у америкаликлар ёки европалликлар томонидан қурилса, айна муддао бўларди деб ҳисоблашмоқда. Бунда улар Шанхайнинг бу бинолари рамзий маънода қиътарлар узвий боғлиқлигини акс эттиради, деган фикрлар.

Пудунни қайта қуриш ва

ланган.

Катта шаҳарларнинг муаммолари ҳам йирикдир. Бугунги кунда Шанхай маъмурлари учун, улар эътирофига кўра, марказни қайта қуриш энг жиддий муаммога айланган. Бу ерда ҳали ҳам пастқам, нураб кетган иморатлар жуда кўп. Уларда истиқомат қилувчи аҳолини кўчириш учун янги уйлар керак. Бундай бинолар етарлича. Бироқ улар биринчидан шаҳар ташқарисидан қурилган. Ҳамма қулайликларга эга бўлган бу бинолар социалистик Хитойда ҳам текинга берилмайдиган, пулга сотилади. Эски иморатларда яшайтган шанхайликларнинг кўпчилигида ана шу квартираларни харид қилиш учун юзлаб минг юан ёки ўнлаб минг доллар йўқ, албатта.

Аммо излаган имконини топади, деганларича бор. Ҳозир маҳаллий маъмурлар фирма ва компанияларга шаҳар че-

хар атрофидан деҳқонларга мўлжалланган катта-катта янги мавзелар барпо этилмоқда. Биз улардан бири — Нанжаода бўлди. Ҳозир кўп қаватли кўркем бинолар, кенг кўчалар, супермаркетлар, хизмат кўрсатиш корхоналари, касалхоналар ва мактаблар бўлган ушбу мавзелар ўрни аввал кўл ва ботқоқликлардан иборат экан. Бу бинолардаги квартираларни имтиёзли наҳрларда сотиб олган ва кўчиб ўтган кечаги деҳқонлар ўзлари учун янги касб-хунарларни — қурувчилик ва чилангарлик, монтажчилик ва йиғувчилик, ҳатто компьютерчиликни эгаллаётирлар.

Маълумки, Хитойда қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартиришга қаратилган «Учкун» дастури ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Аҳолисининг 80 фоизи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ба-

бор юксак технологияларни жалб этиш ва жорий этишга қаратилмоқда.

Хусусан, Шанхайнинг саноат зонасида фақат кенг истеъмол моллари, озиқ-овқат ва дори-дармонларгина эмас, туб жиҳатдан янги ҳисобланган ахборот ва электрон техника воситалари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Шанхайнинг очик иқтисодий зона ташкил этиш, хорижийсармояларни, айниқса юксак технологияларни жалб этиш бўйича тажрибаси у билан биродарлашган Тошкент учун ҳам фойдали, деган фикрдамиз. Шанхайликларнинг ўзлари — маҳаллий маъмурлар, амалий доиралар вакиллари шахримиз билан қалин алоқалар ўрнатишдан жуда манфаатдор эканликларини қайта-қайта таъкидладилар.

Бу Шанхай шаҳри делегациясининг шу йил сентябрда



Тошкент халқаро кинофестивали, «Шарқ тароналари» музыка фестивалида ҳам иштирок этишни жуда хоҳлашларини айтдилар.

Янада эътиборли томони шундаки, эндиликда «Тошкент оқшомининг» Шанхайда яқин биродари — Хитойда энг оммавий «Син мин уао бао» («Янги халқ оқшом янгиликлари») газетаси пайдо бўлди. Биз худди шу газета таҳририяти тақлифига кўра Шанхайда бўлдик. 70 йиллик тарихга эга бу нашр тиражи бўйича Хитойда машҳур партиявий «Женьмин жибао» газетасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллар экан. У ҳафтасига 6 марта, «Бизнинг газетанинг» ярим ҳажми шаклида 24 бетда, 1,8 миллион нусха тираж билан чоп этилмоқда. Газета Ернинг сунъий йўлдошлари орқали Хитойнинг 15 та шаҳри, шунингдек, АКШга узатилади. Бу ўқувчиларга ушбу газетани худди Шанхайдаги каби ўша кунёқ кечкурун олиш имконини беради. «Син мин уао бао» келгуси йилдан бошлаб 32 бетда, рангли ҳолда чиқарилиши мўлжалланган.

Таҳририятнинг имкониятларидан газета 26 қаватли уч юлдузли меҳмонхона, ресторан мажмуаси, юзта автомобилга эга такси саройи ва яна ўнга яқин қўшма корхонага эгалик қилиши яққол далолат бериб турибди.

Газета бош муҳаррири жаноб Дин Фа-Чжаннинг хизмат хонасида энг кўринарли жойга Хитой раҳбари Цзян Цземиннинг кўрсатмаси илиб қўйилган. Газета журналистлари Хитой Бош вазирини Ли Пэннинг «Син мин уао бао» ҳар бир хонадонга Хитойда бахт ва эзгулик даражаси ҳисобланган қалдирғочдек кириб келиши тўғрисидаги сўзларни ҳам фахр билан тилга олишади.

Шанхайликлар чиндан ҳам газетани худди шундай бахт ва эзгулик даражаси деб ҳисоблайдилар. Чунки, Хитойдаги «маданий инқилоб» даврида 1966 йилдан 1974 йилгача газета 12 йил давомида чиқмаганлигига қарамайдан у мажбурий танаффусдан сўнг қайтадан чоп этила бошлаганида дастлабки йилдаёқ тиражи 500 минг нусхадан кўп бўлди.

Шанхай оқшом газетаси журналистлари Ўзбекистонда бўлиш, биродарлашган Тошкент шаҳри билан яқиндан танишиш орзусидалар. Бош муҳаррир жаноб Дин 1998 йилда газета делегацияси албатта республикамиз пойтахтига келишини айтиди.

Шанхай жаҳондаги 41 та мамлакат билан биродарлашган. Биз Шанхай шаҳри тарихи музейига кираверишда бу биродарлашган шаҳарлар номлари қаторида алоҳида устунда қадрдон «Тошкент» лавҳасига, Ўзбекистон пойтахтидаги Темурийлар тарихи музейининг улкан рангли суратига кўзини тушганида жуда гурурланиб ва таъсирланиб кетдик.

Шанхай Хитой марвариди шоирона номини оқлаётганлиги ҳар соҳада кўриниб турибди. Бугунги кунда у Осиё китъасининг йирик молиявий марказига, юксак технологиялар шаҳрига айланиб борапти. Бу жуда ноёб шаҳар билан биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш Тошкент учун фойдали, деган ўйдамыз.

Эркин ЭРНАЗАРОВ.
Тошкент — Шанхай —
Тошкент.

ХИТОЙ МАРВАРИДИНИНГ ШУЪЛАСИ

обод этиш, ноёб иншоотларни лойihalашга жаҳоннинг энг яхши меъморлари — Япония, Англия, Италия, Франция, Германия ва бошқа давлатлар мутахассислари жалб этилган.

Шанхайнинг ўнг ва чап соҳилини бир неча ноёб кўприклар боғлайди. Салкам 8,5 километрлик узунликдаги уларнинг биринчиси шаҳар маркази яқинида 1991 йилда барпо этилган бўлиб, Наньпу кўприги, деб аталади. Иккинчи кўприк, аниқроқ аталадиган бўлса тоннель яқинида фойдаланишга топширилган бўлиб, ўша тезкорар йўлни бирлаштирди. Шуниси айниқса эътиборга сазоворки, бу тоннель дарё остидан ўтган. Худди шундай, фақат пиёдалар учун мўлжалланган янги сувости йўли қурилиши ҳам бошланган. Эса эскалатор бўлади ва сиз бир неча дақиқа ичида у орқали чап қирғоқдан ўнг соҳилга ўта olasиз.

Бу беҳисоб қурилишларни кузатар экансан, шанхайликларнинг ҳамма нарсасида биринчи бўлишга интилишлари кучли, деган фикрга келишинг мумкин. Масалан, Хуанпу дарёсининг ўнг соҳилидаги 468 метрлик «Шарқ дурдонаси» деб номланган телевизион минора Осиёда энг баланд ва жаҳонда учинчи ҳисобланади. Биз Шанхайда бўлган кунларда Пудунда Осиёда энг катта биржа очилди. Биржани кўя турайлик. Шанхай туманларининг бирида маҳаллий маъмурият учун барпо этилаётган 23 қаватли (!) улкан бинога дуч келдик.

Бугунги кунда Шанхай халқаро аэропорти қурилиши жадал давом этапти. Унинг биринчи навбати фойдаланишга топширилгач, йилига 20 миллион йўловчига, ҳозир ишлаб турган аэропортдагидан 2 миллион кўп йўловчига хизмат кўрсатади. Яна шуниси қизикли, янги аэропорт қурилишида ҳозир Шанхайдан учиб кетаётган ҳар бир йўловчи ҳам иштирок этапти, дейиш мумкин. Чунки сиз самолётга чиптангизни расмийлаштиришгиздан аввал Шанхайнинг янги халқаро аэропорти қурилиши учун 50 юан (6 доллардан кўпроқ) пул тўлашингиз лозим бўлади. Кўприклардан ўтиш, шунингдек тез юрак йўллар ҳам пуллик эканлигини эслатиб қўйиш лозим.

Шанхайдан унча узок бўлмаган жойда янги денгиз порти қурилиши ҳам олиб борилапти. Бу ва яна кўплаб бошқа иншоотларни Хитой Халқ Республикаси ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлайдиган 1999 йилда фойдаланишга топшириш мўлжал-

тидаги бўш жойларда турар-жой қуриш, улардаги квартираларни марказда яшайтган шанхайликларга имтиёзли, баъзан рамзий жуда арзон наҳрга сотишни, сўнг эса пастқам иморатлар ўрнида осмонўпар маъмурий бино, банк ёки меҳмонхона қуриб олишни таклиф этмоқдалар. Хорижий шериклар бундай таклифни кўп ҳолларда қабул қилишади. Чунки Шанхай марказидаги ер майдонининг нархи янги турар жой биноси қуриш учун кетадиган сарф-харажатлардан ҳам қимматдир.

Шанхайнинг яна бир муаммоси аҳолининг миграцияси — кўчиб юришидир. Хитойда оила қатъий режалаштирилиши туфайли шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши ноль даражасидан пастда. Яъни аҳоли кўпаймасдан қалаймоқда. Лекин сўнгги йилларда турмуш даражасининг кескин ошиши натижасида кўп шанхайликлар фақатгина маоши катта ишни эмас, балки яхши иш шароитларини ҳам талаб этадиган бўлганлар. Шу сабабли шаҳарда иш қучига, айниқса қурилиш ҳажмлари кескин ортиши натижасида қурувчиларга эҳтиёж катта. Бир-ерда 1995 йилнинг ўзида биргина уй-жой қурилиши учун 25

нд бўлганлар ташкил этувчи ушбу аграр мамлакатини учун мазкур дастур ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Хитой раҳбарларининг ўзлари «Қишлоқ хўжалиги бакуват бўлса — давлат ҳам барқарор бўлади, қишлоқ бой бўлса — мамлакат ҳам бой бўлади», деб таъкидлайдилар.


«Учкун» дастури қишлоқ хўжалигини фан ва техника ютуқлари асосида юксалтириш билан бир қаторда қишлоқда турли корхоналар ташкил этишга ҳар тарафлама кўмак беришни ҳам кўзда тутди. Бунда гап оддий устахоналар ёки хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳақида кетаётгани йўқ, Асосий эътибор сўнгги фан-техника ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришларга қаратилган. Бунинг дастлабки самараларини 1995 йилда қишлоқдаги корхоналарда 268 миллиард юандан кўпроқ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги, валюта тушумлари эса салкам 9 миллиард долларни ташкил этганини кўрсатиб турибди.

Сизга ҳазиллашиб, агар авваллари қишлоқ қизлари йиғитларга турмушга чиқиш учун уйлари бор-йўқлигини сўрашган бўлса, эндиликда янги мавзеларда алоҳида квартира-

Ўзбекистон пойтахтига ташрифи давомида ҳам билдирилган эди. Жуда қизиқарли, истиқболли лойihalар эҳтимол яқин вақт ичида Тошкент шаҳри делегациясининг Хитойнинг дурдона шаҳрига жавоб таърифи давомида амалий натижаларга олиб келар.

Бизнинг амалий доиралар вакиллариимизни, тадбиркорларимизни биргина Шанхайнинг ўзидагина қуттишайтгани йўқ, Хусусан, биз шаҳар яқинидаги Ўзбекистоннинг яқинида Халқаро ипак уюшмасига аъзо бўлганлигидан мамнуликларини айтдилар. Савдо айланмаси бир неча миллиард долларни ташкил этувчи ушбу мажмуа мутахассислари республикамизнинг тўқимачилик, хусусан, ипакчилик соҳасидаги салоҳиятидан яхши хабардор эканлар. Улар Тошкент шаҳри делегацияси бу ерга келиб, амалий алоқалар ўрнатсалар яхши бўларди, деган фикрни билдирилди.

Ўзаро мулоқотлар чоғида Буюк ипак йўли Ўзбекистон орқали ўтганлиги ҳам кўп марта таъкидланди. Хитойлик ишбилармонлар бизнинг мустақил республикамиз ўз мамла-



миллиард юандан кўпроқ маблаг сарфланиб, 10 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жойи фойдаланишга топширилди.

Маҳаллий маъмурларнинг айтишича, бугунги кунда Шанхайда бошқа жойлардан келган уч миллион нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг тенг ярми қурилишларда ишлайди. Жуда катта фойда олаётган қурилиш фирмалари бу ёлланма ишчиларга ётоқхоналар беради.


Аммо бу муаммонинг ҳал этиш йўли эмаслигини яхши билишади. Шунинг учун ша-

си борлигини суриштиришларини айтадилар. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда анчагина деҳқонларнинг замонавий квартира харид қилишга қурби келиб қолди.

Шанхайнинг ташқи кўринишигина эмас, саноат қиёфаси ҳам ўзгариб бормоқда. Бу ердагилар тўла асосли гурур билан ҳозирги пайтда шаҳарда жаҳондаги энг йирик беш юзта фирма ва компаниянинг 160 таси ўз корхоналарини очганликларини сўзлаб берадилар. Хорижий шериклар билан ҳамкорликда асосий эъти-

катларининг муносиб шериги бўлишга, Буюк ипак йўли яна тикланиб, савдо-сотиқ авж олишига ишонадилар.

Шанхайликлар халқ дипломатиясини ривожлантириш, маданият соҳасида ҳамкорлик қилишдан ҳам манфаатдор эканликларини билдирдилар. Шу кунларда Шанхайда Тошкентта бағишланган суратлар кўргазмаси очилмоқда. Шанхайликлар ўзларининг фольклор ва болалар фестивалларига Тошкентнинг ижодий жамоаларини таклиф қилган ҳамкорликда асосий эъти-





Боқувчиси йўқ ёлғиз қариялар, меҳр-муруватта муҳтож ногиронлар, табиий офатлардан захмат чеккан кишиларга бегараз ёрдам кўрсатиш борасида Қизил Ярим Ой жамиятининг тугган ўрни каттадир. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кўмитасини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш, унинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, молиявий аҳолини мустақамлаш мақсадида шу йил 10 декабрдан 1998 йил 10 январгача Қизил Ярим Ой жамияти пойтахт кўмитаси жамғармасига хайрия йиғиш ойлиги ўтказилмоқда. Бизнинг Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кўмитасининг раиси Умида Мухамедова билан суҳбатимиз ҳам жамиятининг меҳр-шафқат йўлидаги фаолияти хусусида бўлди.

— Умида Кобуловна, авваламбор жамғармага ўтган йили хайрия йиғиш натижалари тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Утган йилги тадбиримиз 10 декабрдан бошланиб февраль ойигача давом этганди. Шу муддатда 1 миллион 692 минг сўм маблағ йиғилиб, «Меҳр-шафқат» хизмати тасарруфидида кам таъминланган оилалар ва 551 та ёлғиз қариялар эҳтиёжларига сарфланди. Яъни, асбоб-анжом, ашёлар харид қилиш, биринчи тиббий ёрдам аптекаларини олиб тарқатиш, ётиб қолган беморларга иссиқ овқатлар ташкил этиш, факулдада вазиетлардан жабрланганларга ўрин-кўрпа, турли анжомлар, озиқ-овқат харид қилиш, тасарруфимиздаги ёлғиз қарияларни дафн этиш учун сарфланди. Бундан ташқари ўтган йили 14 нафар ёнғиндан зарар кўрганлар

Қизил Ярим Ой

САХОВАТ ЙЎЛИДА

бизга ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Каттиқ зарар кўрган иккита оилага 40 минг сўмдан мебель тўплами, туртасига 22 минг сўмлик сантехника асбоб-анжомлари олиб бердик. Қолганларга ўрин-кўрпа, кийим-бош, озиқ-овқат, хуллас, кундалик эҳтиёж ашёларидан қўмаклашдик.

Заҳирамиздаги маблағларимиз ҳисобидан туртта ногиронлик аравачасини топширдик.

— Тасарруфингиздаги кишиларга бегараз ёрдам кўрсатиш борасида ҳозирда қандай ишларни амалга ошираёсизлар?

— Ҳозирги кунда Чилонзор, Акмал Икромов, Сирғали, Софий Раҳимов ва Юнусовод туманларида тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш хоналари ишлаб турибди. Улар шифохона, поликлиникалардан узоқда жойлашган маҳаллаларда очилиб, биринчи навбатда бизнинг тасарруфимиздаги, қолаверса маҳаллий аҳолига бепул хизмат кўрсатмоқда. Энг муҳими, тиббий қўмақдан ташқари қария ва ногиронларнинг коммунал тўловларини тўлаш, сантехника жиҳозлари, телефон, телевизор таъмирига ёрдамлаштиш борасида ҳам тиббий-ижтимоий хоналарнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Ҳозир шарқ табobati усулида даволаш марказини очиб ҳаракатимиз. Унда дори-дармонларсиз — дори-дорисиз, усимликлар, игна билан ва гипноз орқали даволаш, яъни жисмоний ва руҳий соғломлаштириш мўлажаллари қўлланилади. Хали бино масаласи ҳал бўлмаган бўлса-да, Чилонзор даҳаси, 8-мавзеда шарқ табobati усулида даволаш хизмати тиббий-ижтимоий ёрдам хонаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

1998 йилдан эса кам даромадли оилаларда истиқомат қилаётган иқтидорли ногирон болалар учун Юнусовод туманида туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Турон» мактабини очаяпмиз. У мактабдан ташқари қўшимча ўқитиш усулида ташкил этилиб, болаларга чет тиллари ва компьютердан сабоқ берилди, уларга бепул тушиқлар ташкил қилинади.

— Бу гапга хайрия тўплаш ойлигидан қандай тадбирлар ўрин олган?

— Албатта, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш миллатимизга хос бўлган урфдир. Биз хайрия йиғиш ойлигини юқори савияда ўтказиш мақсадида тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Унга қўра Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти пойтахт ва туман кўмиталари ўзаро ҳамкорликда жойларда хайрия концертлари, ким ошди савдоларини ўтказиш, жамиятга аълолик марказлари тарқатиш ишларини амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари қўллаб-қўллаш марафонлари ҳам бўлиб ўтади. Фурсатдан фойдаланиб бизга қийнанди кўмак бериб келатган «Аудио Ричард» қўшма корхонаси, Марказий Осиёга бегараз ёрдам кўрсатиш Маркази, Қувайт хайрия жамғармаси, «Тошкентбел» ишлаб чиқариш бирлашмаси, шаҳар ободонлаштириш бош бۆшқармасига ўз миннатдорчилигини билдиришмоқда.

Мана, муқаддас Рамазон ойи ҳам яқинлашмоқда. Ҳар бир мусулмон учун бу ойда хайр-эҳсон қилиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Муҳтожларга қўмак бериш хайрия мақсадини қўллаб бизга ёрдамлашмоқчи бўлган шахслар учун 48-24-94 ва 48-37-51 телефонларига қўнғироқ қилишларини илтимос қиламиз. Жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар эса ўз хайрияларини қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият Миллий банкнинг бош амалиёт бўлими: 2021200900126451001. МФО 00407.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Ҳамза туманидаги йўлдош Охунбобоев номи кўзи оғиз ва кўриш қобилияти паст болалар махсус мактаб-интернатда «Бизнинг юрагимиз» мавзусида анжуман ўтказилди.

Анжуман иштирокчилари мактаб-интернатда таълим олаётган ўқувчилар ижросидаги куй-қўшиқларни, сахна кўришларини завқ билан томоша қилишди. Бу ерда болалар турт ёшдан қабул қилиниб боғчада тарбияланишда ва ўқиш ҳам шу ерда давом эттирилди. «Ҳамзасавдо» ҳиссадорлик жамияти, Тошкент машинасозлик заводи бир неча йилдан буён мазкур мактаб-интернатга ҳомийлик қилиб келяпти.

Мактаб-интернатнинг кимё-биология ўқувчиси Арофат Холхужаева томонидан уюштирилган бу тадбирда ўқувчилар юрак ва унинг фаолияти, уни асраб-авайламоқ даркорлиги хусусида фикр юритдилар. Бу масканда қўллаб-қўллатиш, билимга чанқоқ ёшларни учратиш мумкин.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз ёшларнинг пухта билим олиб, етук мутахассис бўлиб етиштирилишига катта аҳамият бермоқда. Ийигит-қизларнинг кунт билан фан ўқиларини ўзлаштиришлари моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Санам Мирзаалиева ҳам ўқишда қўлга киритган ютуқлари боис бу йил учун Президент стипендияси совриндори бўлди.

— Мактабини битиргач Тошкент Давлат шарқшунослик институти иқтисод факультетининг Халқаро иқтисодий муносабатлар бўлимига ўқишга кирдим, — дея сўз бошлади Санам. — Илгарилари иқтисод фанига буткул бошқача кўз билан қараларди. Тўғриси айтидиган бўлсак, совет даври учун хос бўлган боқимондалик иллоти бунга асосий сабаб дейиш мумкин.

— Илмий изланишларингиз тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Танланган мутахассислигим халқаро иқтисодий

Президент стипендияси соҳиблари

САНАМНИНГ ОЙДИН ОРЗУЛАРИ

алоқалар бўлгани сабабли ҳам халқаро маркетинг ва менежмент кафедраси билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб бораган. Кафедра томонидан ташкил қилинган бир қанча анжуманларда тайёрланган маърузаларим кўпчилиқда қизиқ уйғотганидан беҳад севиниб кетдим. Нокан-

тарликка йўймангу «Буюк Британиянинг 80-йиллардаги иқтисодий тараққиёти», «Европа ҳамда унинг Ўзбекистондаги фаолияти», «Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсати ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда

Санамнинг гапларида жон бор. Инсон ақл, заковат, билимдонлик ва сермашаққат меҳнат талаб қиладиган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олиши, дадиллик ҳамда ишонч билан ҳаракат қилмоғи лозим.

Ўқишдаги аъло ютуқлари сабабли Санам Мирзаалиева бир неча йиллар мобайнида Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Ўтган йили эса Истиқлол айёмининг беш йиллиги арафасида у Ватанимизнинг юксак мукофоти «Шухрат» медални билан тақдирланди.

Назозат УСМОНОВА.

Маънавият

БАРКАМОЛЛИК САРИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида маънавий ва маърифий ишларни кенг қўламда олиб бориш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

Ҳозирги жами 70 минг нафар врач, 250 мингдан зиёдрок ҳамширалар маънавий сарчасмасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

«Маънавият асослари», «Маънавий қадриятлар», «Шифокор маънавияти» мавзуларидаги савол-жавоблар, суҳбат ва маърузалар, шифокорлар ва талабаларнинг маънавий ва маърифий тарбиясини такомиллаштиришга оид илмий-амалий анжуманларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, академик Шавкат Каримов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Неймат Аминов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги «Маънавият ва маърифат» маркази бошқарув идорасининг раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Турсунхўжа Бобожўаев, «Тафаккур» журналы бош муҳаррирининг ўринбосари Муртазо Қаршибой ва бошқалар иштирок этишиб, Соғлиқни сақлаш тизими ходимларини маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Маънавият — ҳаёт гулшани» деб номланган адабий-музыкали кечаларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳалим Жураев раҳбарлик қилаётган «Шифокор» ансамблининг Ижодий гуруҳи дилрабо куй, қўшиқлар ижро этиб дилларни ҳушуд этмоқда. Умуман, маънавият хонаси институтнинг ўзига хос кўзгуси бўлиб қолганлиги қувонарли ҳолдир.

Ҳа, етук шифокор бўлиш учун аввало маънавий баркамолликка эришиш тиббиётдаги энг муҳим шартлардан биридир. Зеро, ўз ўрнида айтилган ширин сўз ҳам малҳам, шифокор табассуми эса беморда соғайиш умидини уйғотиши бежиз эмас.

Жўрабой СОБИРОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.
Абдунаби ОРИПОВ,
олий тоифадаги катта ўқитувчи.



Самимий нигоҳ.

Равиль Альбеков
олган сурат-лавҳа

Бундан 115 йил аввал Тошкентда катта илмий-тадқиқот муассасаси — Астрономия ва физика обсерваторияси ташкил қилинди. Петербургдаги Пулков обсерваториясининг собиқ директори, академик Ф.Бредихин бу ерда астрономия кўзатишлари олиб боришни кенгайтириш мақсадида сармоя тўплаб, унга «Нормал астрограф» номи янги телескоп келтириб ўрнатди.

Эндиликда бундай замонавий техник илмий асбоблардан бир нечаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти қошида фаолият кўрсатаётган музейнинг ушбу ноёб экспонатларига айланган.

Ушбу астрономик музей бундан 35 йил муқаддам бунёд этилди. Бу хайрли ишга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги В.Шчеглов яқиндан бош қўшган эди. Ушунда илмий муассаса янги замонавий бинога қўчиб ўтган эди. Музей учун ҳам мос хоналар ажратилди. У тарихий аҳамиятга молик бўлган дастлабки экспонатлар билан жиҳозланди. Телескоп ҳам кўргазмадан муносиб ўрин олди.

Инглиз оптиги Доланд томонидан XVIII аср ўрталарида тайёрланган яна бир рефлектор музейда сақланади. Тошкент обсерваториясининг собиқ раҳбарларидан бири машҳур астроном Д.Геденов бошчилигида

Масканларда

ИЛМий КЎЗГУ

тузилган илмий экспедиция 1895—1896 йилларда шахримизнинг географик кенглигини текширишда фаолият кўрсатган эди. Худди уша кузатишларда бу рефлектор кўп иш берган эди. Ҳаваскор астроном С.Козик улкан дурбин орқали бир неча кометаларни кўришга муваффақ бўлди, нишонлар билан тақдирланди. Бу нишонлар ҳозир музейда сақланмоқда. Денгизнинг

географик кенглигини аниқлаш мақсадида фойдаланилган асбоб эса лондонлик механик Гадлей томонидан 1731 йилда ясалган. Шунингдек, 1874 йилда ясалган меридаман ўлчови асбоби ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Буюк ўзбек олими Мирзо Улугбекнинг юлдузлар каталогини ўз ичига олган «Осмон юлдузларининг атласи» китоби 1690 йилда босилиб чиққан эди. Машҳур бу тўплам Ўзбекистонда 3 марта чоп қилинди. Академик В.Шчегловнинг «Улугбек расадхонаси» номи китоби ҳам нодир экспонатлардан бири бўлиб қолди.

Музей орқали Германия фирмасида ишланган, кўзгусининг айланаси 100 сантиметрли телескоп ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Астрономик музей янги экспонатлар билан бойиб бормоқда. Бу даргоҳ ноёб асбоб-ускуналарга эга бўлган йирик илмий кўзгу янгли фаолият кўрсатмоқда.

Саодат ОДИЛОВА.

Анжуманлар

«БИЗНИНГ ЮРАГИМИЗ»

тематика факультетига ўқишга қабул қилиндим. Ҳозир 5-курсда ўқиш билан бир қаторда ўзим ўқиган интернатда ишлаяпман. Мен бу ердаги устозлардан бир умр миннатдорман, чунки улар менинг ҳаётда ўз йўлимни топишимда меҳнатларини аямдилар.

ҳамда турли халқлар рақсларини ўргандим. Мактаб-интернатни тугаллаб Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишни давом эттирмоқчиман.

• Дарибой ва Сарибой Низомовлар, 10-синф ўқувчилари: — Биз эгизакларимиз. Ўқиш билан бир

Соф виждон, бебаҳо маънавий бойлик инсон зийнатидир. Виждонли, беғубор киши ҳеч нарсадан ҳадиксирмайди, доимо хотиржам, тўрт мучали соғ, юзи ёруғ, доимо иззат-ҳурматда, эл олкишида бўлади.

Виждон дилимизда умр бўйи яшайдиган қонундир. У аслида барча хатти-ҳаракатларимиз, сўзимиз ва ишимизнинг шу ички қонунга мос келишидир. Виждон ҳар қадамда бизни тергаб турувчи ҳакамдир. ҳар бир инсоннинг ўзи билан ўзи танҳо қолганида ундаги ҳақиқий инсонийлик уни кимдир бошқа биров эмас, айнан унинг ўз виждони бошқаргандагина яққол намоён бўлади. Бизлар виждонига ҳилоф иш қилмайдиган, диёнатли, ор-номусли, ориятли халқимиз. Шунинг учун ҳам дунё халқлари бизга интилади, дўст тутилади.

Боболаримиз ва момоларимиз, ота-оналаримиз «Диёнати бўл», «Виждонингнн сотма», «Эр йигитга икки ному—бир ўлим», «Ориятсиз одамдан қоч» деб қулғонимизга қўйиб келадилар. Виждон буюк қудратга эга. Гуноҳсизни ҳар қандай қурқудан фориғ этган, гуноҳқорни эса у лойиқ бўлган жазога маҳкум этган ҳолда икковини ҳам бирдай ҳаяжонга солиб туради.

Соф виждон овози қулоққа ёқимли, аммо сохта ҳушомадгўйлик, сафсатабозлик, шону шухрат шовқинидан кўра афзалроқ, аълоорқидир. Виждонсиз одам доно ақл билан ҳам унча узоққа боролмайди.

Ҳар бир инсон ирода беги, виждоннинг қули бўлсин. Ана шундагина энгил ҳою ҳаваслар, инсофсизлик, қаллоблик, қонунбузарлик, жиноятларнинг эшиклари ёпилади. Ҳар қандай одамнинг ҳақиқий улуғворлиги, диёнатлилиги ҳар қандай шароитда ҳам виждонига ҳилоф иш тутишдан мардонавор тийилиб, ўз фикрида қатъий туришида яққол сезилади. Жамиятда жиноят ва пасткашликнинг ўз вақтида олди олинмаса, улар авжига чиқса, у ҳолда виждон овози пасайиб кетаверади.

Одоб илмининг пири-устози Ҳусайн воиз Кошифий виждонлиликни тургидан-турғи яхшилик десалар, виждонни инсонни назорат қилиб турувчи ички туйғу деб атайдилар. Шу билан бирга виждон даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳусусиятлардан келиб чиқишини, таълим-тарбия воситасида пайдо бўлишини айтиб, виждон-виждонсизликка қарама-қаршидир деган хулосага келадилар. Виждонсизлик кўп қабиҳликларни келтириб чиқаради, бу ёмонликлар деб баҳо берадилар. «Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир, — дейдилар мавлоно Кошифий, — ёмонлик қилмаган, яъни яхши одам виждонлидир». Му-тафаккурнинг фикрича виждон инсонни ёмон иш қилишдан сақлаб туради. Воиз Кошифий халқ дар-ғаларини, барча кишиларни одил, халол бўлишга қақариб ҳар бир иш виждонлилик асосида амалга оширилиши керак, деб панду насихат қиладилар. Виждонни адолатга яқин деб тушуниб, инсон ёмонлик қилмаса, бахил, нокас бўлмаса меҳр-шафқатли, диёнатли бўлса у шубҳасиз муроди-мақсадига эришади дейдилар.

Тобқуси ҳар иш диёнатдин низоом, Ҳам амонатдин киши қомил бўлар. Ҳар киши бўлса диёнатли анго. Икки олам давлати ҳосил бўлар.

Ор ва номус ҳам виждонга яқин тушунчалардир. Кўпчилик учун манфаат етказадиган ишга иккилан-

Қадриятларимиз

УЛУГЛИК ТИПАСАНГ

май бел боғлаб киришиб кетиш ҳақиқий номусли-ликдир.

Номус инсонни юксакликка кўтарувчи гўзал ва қудратли фазилатдир. Номусли одамлар жамиятимизда кўпайган сари турли иллатлар, порахўрликлар, юлғичликлар, безориликлар, жиноятлар ка-майиб барҳам топади.

Бобомиз Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул Аброр» асарларидаги бир ҳикоят эсимга тушиб кетди. Ўтган замонларда саҳий бир подшоҳ бўлган экан. Саҳийлигидан фўқаролари уни жуда ҳурмат қилишар экан. Унинг бир қули буларкан, хизмат даражаси бақовуллик экан. Қуллардан бир кун уни иштин базмида, зиёфат вақтида, подшоҳнинг ҳам иштаҳаси яхши бўлиб турганда, фалокат босиб, бир тош қулни-нинг оёғига урилибди. Хизматкор қул иссиқ овқат-ни подшоҳнинг бошига тўкиб юборибди. Шунда одамлар: «Подшоҳ энди уни ўлдиради. Гуноҳига лойиқ жазо шудир!» — дейишибди.

Шоҳ эса қулнинг қилган ишидан қаттиқ хафали-гини кўриб, уни кечирибди ва қулни юборибди. Ва-зири аъзам: «Эй, саҳийликка бегараз шох, унга тиг-дан бошқа нарса лойиқ эмас-ку!» дебди. Шоҳ эса заъв билан қулиб, лутф билан шундай деган экан: «Хижолатнинг ўзи уни ўлдириб бўлди. Ҳеч ким ўл-ган кишини бошқатдан ўлдирмаган, бошига эса жазо тигин торتماган. Халқ ичиди ким энг гуноҳкор бўл-са, уша авф ва иноятга энг кўп сазовордир».

Бизнинг давримизда виждон ҳар бир кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун жа-мият, жамоа, оила, Ватан, афроқ-жавонбондаги ин-сонлар олдида маънавий масъулиятни чўқур ҳис этишидир. Бу юксак ахлоқий тушулунча ҳар бир шах-син ижобий, савоб ишларга, амали сохилларга ўн-дайди, ўз фаолиятига ўзи ҳолис баҳо беришга олиб келади. Виждонли киши ноҳақ, адолатсиз ишлар-дан ғазабга келади, уларга бефарқ қараб турол-майди. Буларга эътироз билдиради, қаршилик кўр-сатади, то адолат ўрнатилмагунча, адолат қарор топмагунча тиниб-тинчимади. Ўз фаолиятининг ях-ши томонларидан қаноатланиб ҳурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб руҳан эзилади. Виждон тўғма ҳислат эмас. У кишиларнинг яшаб турган шароитига, тарбиясига боғлиқ. Виждонлилик му-стақил давлатимизнинг ҳар бир фўқаросидан жамия-тимиз эътироф этган одоб-ахлоқ қоидаларига тў-лиқ риоя этишни талаб қилади.

Номус яқша шахсга тааллуқлидир. Номус деганда кишининг шахсий хизматларини ҳамда одамийлик даражасини англаймиз. Одатда номус инсоннинг халқ бахт-саодати учун фаолият кўрсатишга ўндо-чи ҳақиқий омил деб қаралади. Номус кишиларни-нғ фўқаролик ва шахсий қадр-қимматиға, уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари олдидаги ахлоқий масъулия-тиға бўлган қарашларини ифодақайди.

Шаън ҳам виждон, ор-номус тушунчалари билан узвий боғлиқ. Шаън киши ижтимоий талабларни назарда тутган ҳолда ўз шахсида қандай фазилат-ларни муқассаслаштириш, қай йўсинда фаолият кўрсатиш, хатти-ҳаракат қилиши лозимлиги ҳақи-даги умумлаша тасаввурлар асосида шакллана-ди. Шаъннинг ўзаро чамбарчас боғлиқ ижтимоий ва шахсий жиҳатлари мавжуд. Биринчиси шахс фа-олияти, хулқ-атвори жамият томонидан юқори баҳо-ланиб, муносиб тақдирланишини, иккинчиси эса, кишининг ўз фаолияти, юриш-туришини бевосита ўзи баҳолай билишини, ўз ижтимоий қадрини чў-қур англашини билдиради. Шаън туйғуси кишини ахлоқий поклигиға доғ туширадиган хатти-ҳаракат-лардан тияди.

Катта ниятлар билан ўстирабтатил ўғил-қизлари-миз одоб-ахлоқли, виждон-диёнатли, ор-номусли, ўз шаъниға доғ туширмайдиган фарзандлар бўлиб етишсинлар.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

ИБРАТНОМА

ДОНИШМАНДЛАР
ДЕЙДИКИ...

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Сенинг лутфу марҳаматининг ҳаду-худуди борми?

— Одамлардан қанчайин даргазаб бўлмайин, кўнглимнинг бир четиди ҳаммиса мурсага ўрин қолдираман, — деб жавоб берибди у.

— Худонинг марҳамати билан лаънатнинг моҳияти нимадан иборат? — деган саволга бир донишманд шундай жавоб айлабди:

— Йигит киши ақл ва фаросатда чолларга ўхшаб кетса, бу худонинг марҳамати бўлади. Агар кексалар ақл ва фаросатда йигитларга таассуб қилишса, бу худонинг лаънати ҳисобланади.

Бир донишманд шундай деган экан:

— Офтоб соғлом кўзга яхшироқ кўришар экан бериб, касал кўзини кўр қилиб қўйгандек, илм ҳам ақли одамнинг ақлини ошириб, ақли қисқа одамни тентак қилиб қўяди.

Бир ҳинд донишманди шундай деган:

— Беш нарса ўз табиатида кўра доимий бўлмайди: аҳмоқнинг рафоқати, булутнинг сояси, ноинсоф подшоҳ, беҳисоб давлат, сохта шухрат.

Бир донишманд: Гапирмоқдан эшитмоқ маъқул, — дебди.

— Нима учун? — деб сўрашибди ундан.

Шунда у: — Бўлмаса худо битта тилу иккита қулоқ бермас эди-да, — дебди.

Бошқа донишманд: — Сопол жомининг бутунлигини чертиб билишганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо бериш мумкин, — деган экан.

Дилноза **ФИЁС** кизи тайёрлади.

Биласизми?

ТУЗ ҲАҚИДА

Шиша идишлар шўр сувга ювилиб, совуқ сувда чайилса тиник ва ялтироқ бўлиб қолади.

Ошхонадаги плитага қайноқлигида туз сепаб газета қўғоси билан иш-каланса, ёг деглари кетиб, топ-тоза бўлади.

Тўқ ранг шойи ва сатиндан тикилган кийимни ювгандан кейин нимага (5литр сувга 125 грамм туз солинади) чайилса ялтираб туради.

Кийимга саҳраган ёғ доғини кетказадиган бирор нарса топилмаса, доғга туз сепаб авайлаб артиш керак: доғ батамом кетгунча тузни янгилайвериш керак.

Хўл ўтин тезроқ алан-галанниш учун керосин ўрнига бир чимдим йирик туз сепаб қийоё.

Қайноқ номақобга 2-3 соат ботириб қўйилган супурги сиймайди.

Бир чимдим туз солинса туҳмид оқи тез кўпиради. Туҳум оқиға ваниль қанди ва қайноқ қўшилса, хушбўй ванилли крем (ширинлик) ҳосил бўлади.

Шарофат **БАХРОМОВА**.

ҚҶШНИЛАР

Тўрт қаватли икки бино ўртасидаги майдонча одатдагидек гавжум эди. Болалар тўс-тўполон билан тўп тепишади. Кичкинтойлардан бири тўпни «рақиб» дарвозасига йўллади. Бирок тўп мўлжалга тушмади. У учиб бориб рўпарадаги бионинг биринчи қавати деразасига урилди. Ойна чил-чил синди. Болалар тум-тарақай қочишди. Фақат кичик Нодиржонгина нима қиларини билмай, майдонча ўртасида доврида қолди. Синган ойна деразасидан аёл кишининг боши кўринди:

— Хой итвачча, нима қилдинг бунни, балога йўлиққур.

— Холажон, мен эмас, болалар қилишди, — деди Нодиржон кўзларини пирпиратиб.

— Қилгилкини қилиб, яна тонди-я бу тирранча.

— Падарингга лаънат, ким экан у, — ичкаридан эркак кишининг дўрилдоқ овози эшитилди.

— Қўшнингизнинг арзандаси, Нодир ўлгур, — жавоб қилди аёл.

— Ҳеч қутулмадик, қутулмадик-да, шу боламадик.

У шиддат билан ташқарига югурди. Болани ушлаб олиб, жон-жаҳди билан савалай кетди. Калтак зарбидан Нодир додлади. Шовкин-суронни эшитиб бир зумда қўшнилари тўпланишди.

— Хой Аҳмадбек, ёш болани майиб қилиб қўясиз-ку.

— Инсофсиз, тошбағир.

— Феолига яраша-да. Шунинг учун тирноққа зор бу беандиша, — каби овозлар эшитилди теваар-атрофдан.

Ичкаридан ёшгина жувон чиқди. Ҳамма унга тикилди. Бу Нодирнинг онаси эди. Аҳмадбек жувонга ўшқира кетди.

— Мана, тирранчангнинг қилганини кўр, — у қўлини бизгиз қилиб синган ойнани кўрсатди. — Нима қилди бунни?

— Дадаси келсин, айтаман. Тузаттириб берамиз, амаки, — деди аёл ётиги билан.

— Ойнани сизнинг ўғлингиз синдиргани йўқ, бошқа бола синдириб қочди. Мен деразадан уларнинг ўйинини кузатиб турган эдим. Бу киши суриштирмай-нетмай... Садқаи одам кетинг-ей...

тинг-ей...

Иккинчи қаватда яшовчи қўшнисининг бу гапи беғуноҳдан беғуноҳ болани жазолаган Аҳмадбекка заррача ҳам таъсир қилмади.

— Ёнини ола, ёнини ол. Бир-бирларинг билан оғиз-бурун ўпишасанлар. Фақат мен ёмон сенларга. Аҳмадбекнинг оиласи ёмон.

У тўнғиллаб, уйига кириб кетди. Қўшнилари жувонга тасалли бериб тарқалишди.

Кечқурун эри ишдан қайтганда, Зебохон бу кўнглисиз воқеани унга айтмади. Ёрининг кайфиятини бузгиси келмади.

Турмуш чорраҳаларида

Бирок Каримжон машаададан хабардор эди. Қўшнилари унга кўчадаёқ етказишганди.

Фалокат оёқ остида, деганлари ҳақ экан. Тасодифни қарангки, орадан бир ҳафта ўтар ўтмас Аҳмадбек тўсатдан йўқолиб қолди. Қўшнилари тинччи бузилди. Аҳмадбекнинг хотини Вазира айюҳаннос солиб Каримжонга ёпишди:

— Ёримни топиб берасан. Сен уни бир нарса қилгансан. Ўғлингнинг аламини олгансан. Қани топмай кўрчи, кунингни кўрсатаман.

Каримжон чурқ этмади. Вазиранинг қўшнилари зўр-базўр уйга олиб кирдилар.

Орадан икки кун ўтгач, Аҳмадбекнинг ўлиги топилди. Врачларнинг ҳулосасига кўра, у инфаркт касали билан кўчада ўлиб қолган экан. Касалликнинг сабаби ичкиликни кўп ичиш оқибатида содир бўлган.

Қўшнилари бир ёқадан бош чиқаришди.

Каримжон гинахонлик қилиб ўтирмади. Елиб-югурди. Марҳумни қабрга қўйиб қайтишгач, Вазира қариялардан бирини ўзига имлади:

— Мулла ака, айтиб қўйинг. Карим шумқадам бизнига оёқ қўймасин. Уни кўрсам Аҳмадбекнингизнинг душманини кўрсатгандек бўламан.

— Қўйинг, келин, шу ҳам гап бўлди-ю яхшиям шу одам бор экан. Хизматини айтмай қўя қолай. Ҳатто болангиз йўқлигини билдирмай, тўн қийиб тобут олдига тушди-ю сиз уялмай шу

ганлари йўқ, бир қошиққина ичиб кетсинлар», деди.

Самимий айтилган гап Вазирага қаттиқ таъсир қилди шекилли, чидаб турулмади. У хўнграб юборди.

УЗУК

У кутди. Чидам ва тоқат билан кутди. Лекин ўғли билан келинидан дарак бўлмади. Уззукун қандайдир қувонч ва ҳаяжон билан тўлиб юрган она кўнгли бир зумда бум-бўш бўлиб мунғайиб қолди. «Борди-ю, ўғлимникига ўзим бора қолсамчи?»

Хаёлидан кечган шу фикрдан Хосият хола яна яшаб кетди. Тез кийинди. Қачонлардир байрамларда марҳум чоли ҳада қилган жез узугини қўлга тақийиш ҳам унутмади. Яна нимадирни олмоқчи бўлган эди, шошилганидан эсига келмади.

...Хола рўпарадаги баланд қаватли иморатнинг иккинчи қаватига кўз ташлади. Чироқлар ёқилган. Демак ўғли ва келини уйда. «Келганим яхши бўлди-да, — ўйларди у, — қайтага бир кеча невараларини бағримга босиб маза қилиб ётадиган бўлдим».

У оҳиста иккинчи қаватга кўтарилди. Эшик кўнғирогини босди. Рўпарасида кичкинагина Раёнохон пайдо бўлди.

— Вой, бувим келдилар, — қувончдан қизалоқнинг кўзлари ялғай ёнди ва холанинг бўйнига осилди.

— Бувижон, сизни соғиниб кетдим, — эркаланди Раёнохон ширин тиллари билан.

Оқибат

МЕҲР ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Журналист ҳаётида қизиқ-қизиқ учрашувлар кўп бўлади. Яқинда Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятида бир иш билан бўлишга тўри келиб қолди. Шу ерда, оқсоқоллар даврасида ёши 70 лардан ошган мўйсифид бизга мурожаат қилиб бир нарса ҳақида айтди. Тошкентда унинг сеvimли, меҳрибон жияни бўлган экан. Лекин бевақт оламдан ўтиб кетди. Ҳаёт бўлганида ҳозир 65 ёшга кирган бўларкан.

— Исми Файзулло эди, фамилияси Турсунов, — деди отахон, — Чилонзорда 19-уй, 20-хонадонда яшарди. Бешёғочда трамвай ҳайдар эди. Турмуш ўртоғининг исми Захро эди, 3 та қизи бўлиб, кенжасининг исми Раёно эди чамамада.

Биз «Чилонзорда, 19-уйда» деган сўзларга унча тушунолмадик. Балки 19-мавзедаги бошқа бирон бир уйдир?


Отахон дарҳол уйга кириб, жиянининг қачонлардир тушган суратини олиб чиқди. Ўртадаги шапка кийган йигит унинг марҳум жияни Файзулло Турсунов экан.

— Ҳозир мен кексайиб қолдим, — деди отахон, — ёшим 72 да. Узоққа саёҳат қилолмайман. Аммо жиянимнинг фарзандларини жуда-жуда кўргим келади. Иложи бўлса, бир хат ёзишсин.

Биз унинг манзилини ёзиб олдик. Мана у: Қирғизистон Республикаси, Жалолобод вилояти, Бозорқўрғон тумани, Бобур номили жамоа хўжалиги, Калинин кўчаси, 14-уй. Йўлдошев Абдуллажон.

Ўйлаймизки, отахоннинг Тошкентдаги қариндошлари у билан алоқа боғлаш йўлларини излаб топадилар, зеро дунёда инсондан, меҳр-оқибатдан улуг ҳеч нарса йўқ.

Қодиржон СОБИРОВ.



Зим-зиё кечада амаллаб уйга етиб келдим.

Уйга етиб келсам ҳали оймилар ухламаган эканлар. Эшикни очиб, мени қарши олarkanлар:

— Ҳа, қизим, бормисан, сени кутариб адои тамом бўлдим-ку? — дедилар.

Хонамга кирдим-у қаравотга ўзимни ташлаб хўнграб йиғлаб юбордим. Ўшанда оймилар мен ҳеч нарса демаган бўлсам-да, бўлиб ўтган даҳшатли воқеани аниглаб етган эдилар.

— Мен ҳеч кимга билдирмай Тошкентдан кетишга жазм этдим, — деб хикоясида давом этди у. — Хоразмга йўлланма

рибир фарзандимга одамлар нафрат кўзи билан қарашларидан қўрқардим. Тугруқхонадан чиқариш кўнлари яқинлашган сайин мени ваҳима босарди. Икки кун қолганда ёнимга Нодира опа келиб, агар ҳаф бўлмасам, бир таклифи борлигини айтди. «Бир таниш оилам бор, фарзандга зор. Агар рози бўлсанг улар қизингни фарзандликка олишмоқчи. Бу оилада қизинг бахтли бўлиши мумкин» деди...

Аччиқ изтироблар билан тугруқхонадан ёлғиз ўзим чиқиб кетдим. Менинг қизалоқим, ёлғиз овуноғим, оналик меҳрим, юрагим, барча-барчаси шу тугруқхонада қолиб кетганлигини

Наср

НИГОРОН КЎЗЛАР

(Хикоя)

қўлимда аспирантурага йўлланма бор эди. Лекин мен у ерда ўқийини устамадим. Унинг сабабини ўшанда ҳеч ким, шу жумладан сиз ҳам билолмай қолгандиз. Энди орадан кўп йиллар ўтиб, унинг сабабини сизга айтиб бермоқчиман. Бу аччиқ ҳақиқатни эслаш мен учун жуда оғир... — У энтиқиб кетди; тўтилиб-тўтилиб сўзлариди давом этди:

— Ўшанда... ўшанда менинг тўрт ойлик ҳомилам бор эди!.. Мавлуда ўзидан икки курс юқорида ўқийдиган, қўшни маҳаллалик бир йигит билан бир-

да кўнглим беҳузур бўлиб, бошим айлана бошлади. Утирганларнинг қайфиятини бузмаслик ниятида ўрнимдан турмоқчи бўлдим, лекин тура олмадим, оёқларим менга бўйсунмасди. Кейин нима бўлганини эслай олмайдим... Кўзимни очсам нотаниш хонада, қаравотда ётардим, азой баданим зирқирди, оғзиди, эғнимда ички қўйлагимдан бўлак ҳеч нарса йўқ...

Мени бадном этган бу хонада ортиқча бир дақиқа ҳам тура олмамлигини сезиб, тез кийиндимида кўчага чиқдим.

олиб, у ерда ишлаб бошладим. Ниҳоят, вақти-соати келиб мен фарзандлик бўлдим. Бу ерда ҳам яхши одамлар бор экан. Шулардан бири катта ҳамшира Нодира опа эди. У менинг ҳеч кимим йўқлигини билганимни ёки раҳми келганимни ҳар ҳолда наватчилик кўнлари эътибор билан қарайдиган бўлиб қолди. Мен Нодира опага жуда ўрганиб қўйдим. Тўшқунликка тушганимда, Нодира опа «Бундай қўйга тушган битта сен эмасан, кечаги кун билан яшама, ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деб тасалли берарди. Мен ба-

ҳануз ҳис этаман. Ёлғизлик ёмон экан. Мен кема узоқ-узоқларга сузиб кетиб, қирғоқда ёлғиз қолган одамга ўхшардим. Бунинг устига онамларни жуда соғингандим. Тошкентда қайтдим. Яна Урганча боргим, боламни қайтариб олгим келарди. Лекин у таниш оилани топа олмадим. Кимдир фарзанд тирноғига зор бу оилага «Қизинг оилани келиб ҳалақат бераради» деб маслаҳат бергандан сўнг, улар бошқа жойга кўчиб кетишибди. Менинг изтиробларим минг бора ку-

чаиди. Энди уни ҳеч ҳам кўра олмамлигини мен ақлдан оздираёзганди. «Эх, қизалоғим, фариштадек беғуноҳ болагиман, мени — оналик меҳрини сенга бера олмаган онангни кечкир! Умринг узун бўлсин, онамга ўхшама, бахтли бўл!» Мен ана шу сўзлар билан яратганим ўзидан болажоним учун илтижо қилдим. Ҳар йили у туғилган кунни минг қайғу-аламлар билан кутиб оламан, катта бўлиб қолгандир, менга ўхшармикин деб изтироб чекаман...

... Мавлуда ичиди тўлиб кетган дардларини тўкиб солар экан, мен унинг сўзини бирор марта ҳам бўлмасдан тингладим. Рўмолчаси билан маржон-маржон ёшларини артар экан, ич-ичимдан ўзимни лаънатладим, неғалигини билмадим, балки бўшанглигим учундир...

— Мен турмуш қурмадим, — деди Мавлуда хайрлаша туриб,

— Эркаларни кўриш у ёқда турсин, улар ҳақида уйлашни ҳам истамадим.

Ҳозир ҳам биз тез-тез телефонлашиб тураемиз. Мавлуда ҳануз ёлғиз. Унинг ниғорон кўзлари, дил соғинчлари ҳақоним кимгадир интизор... Лекин, йиллар, йиллар олган нарсасини қайтиб бера олмадим!

Нурулла ЙЎЛДОШЕВ.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ



Ғазапхонлик

ИШҚ АҲЛИ ИЧРА
ТОПМАСАН

Ким мағрур ҳусни давлатга билки ўтгай охири, Бу қазо деҳқони ҳаргиз ўз ишининг моҳири.

Телба дарё шаклдур зимдан қузатсанг бу ҳаёт, Зухра қирғоғида зор, сандиқа оқай Тоҳири.

Пинҳон эмушдек минг малол ҳамду сано авроқида, Заҳри қотил ботинию, бол тоғли зоҳири.

Гунна лабни бўсадан асраб нетарсан бу замон, Бўлғай у бир кун келиб оху-надомат охури.

Ишқ аҳли ичра топмасанг бир аҳли ҳушни, не ажаб, Дам-бадам беҳуш қилурлар жоду кўзлар соҳири.

Дорул бако дарбозасин очмоққа хол йўқ, Оллоёр, Бу қадар айлабди маст дайри фанонинг чоғири.

УМР ЯШИБ КЕТИБДИ

Ёниб ўчган чакиндек умр ўтиб кетибди.

Видо они яқиндек, умр ўтиб кетибди.

Ўнг келмаган тушмидай, умр ўтиб кетибди.

Қўлдан ўчган қушмидай, умр ўтиб кетибди?

Аламлари ярашиб, ташвишлари қалашиб,

Иззат-обрў талашиб, умр ўтиб кетибди.

Орзулари армондай, дарди хатто дармондай,

Талон бўлган хирмондай, умр ўтиб кетибди.

Доим бири камдайин, япроқдаги намдайин,

Пилиги йўқ шамдайин, умр ўтиб кетибди.

На ёқаю на энглик, ақл топмай бир энлик,

Ҳеч тенги йўқ ширинлик, умр ўтиб кетибди.

Туни тонга йироқдай, келмасанг яхшироқдай,

Ёруғи йўқ чироқдай, умр ўтиб кетибди.

Афсус чекиб, алам еб, битмай қолди чалам деб,

Оилам деб, болам деб, умр ўтиб кетибди.

Оқар сувдек қадрсиз, ҳеч кимсига татирсиз,

Ёдда қолар сатрсиз, умр ўтиб кетибди.

На зару, на зўринг бор, дилда ишқинг — кўринг бор.

Тилда байтинг: Оллоёр: «Умр ўтиб кетибди»...

ҲАМОН ЎЗИМГА КЕЛМАСМАН

Неча кун ўзни кўрсатмай, кўзимни рўзая солдинг.

Манга ташлаб жабр борин, меҳрни ўзгая солдинг.

Сулаймон нисбати санда, ададсиз девларинг — ҳижрон,

Жонимни девлара ташлаб, аларни кўзая солдинг.

Неча ойлар бурун, эй ёр, қўлингдан бир ичиб соғар,

Ҳамон ўзимга келмасман, не тарёк бўзая солдинг.

Йўғу борин гўмон дерлар, баёнда гунчатак оғзинг.

Ҳолим шарҳин этар бўлсам, ани ҳомузая солдинг.

Не гулгун чеҳра деб мардум, юзунг олига ҳайрондир,

Биров билмаски ушшоқ қонини, ул ғозая солдинг.

Шоми ҳижрон чеккан оҳим, етибми, ул гўзал айтмиш:

— Сабрсиз Оллоёр оҳини намунача юзая солдинг?!

ОЛЛОЁР,
Усмон Носир номидаги муқофот соҳиби.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҚОРБОБО
ТАБРИКЛАЙДИ

Азиз ота-оналар!

Жажжи болажонларни
Янги йил совғаси билан
хонадонингизда хушнуд
қилиш истаги бўлса

ҚОРБОБО ВА
ҚОРҚИЗ

хизматидан фойдала-
нинг.

Тел: 97-98-82.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ
МЕХНАТ БИРЖАСИ

23 декабрь соат 9 дан 14 гача
Байналмилал маданияти марказида
«Бўш иш жойи ва вакант ўринлар»
ярмаркасини

ЎТКАЗАДИ

Ярмаркага барча ишга киришни
ва қайта ўқишни истовчилар так-
лиф қилинади.

Транспортлар—автобуслар: 76,
11, 32, 47—«Э»;
троллейбуслар: 6, 14.

«Пойабзалчилар» ҳиссадорлик жа-
мияти бекати /аввалги Пойабзал-
чилар маданият саройи/.

Азиз ҳаммаҳарларимиз
Ва пойтахтимиз
меҳмонлари диққатига!

ТОШКЕНТ
лахзали пуллик
лотереясида ўз ома-
дингизни синаб
қўйинг. Сизни хар
туртинчи чиптада
100 сўмдан 100.000
сўмгача пул ютуқлари
кўтмоқда!
Энг омадди
ишқибозларимизга ҳа
500.000 ва 1.000.000
сўмлик пул ютуқлари
мўтаазир!

1000 сўмгача бўлган пул ютуқлари лотерея
чипталари соғинаётган жонинг ўзида
тарқатувчилар томонидан тўланади.
5000 сўмлик ва ундан ортиқ пул
ютуқларини олиш учун ҳақ ўзбекистон
Халқ банкнинг Тошкент шаҳридаги
пастлан бўйномаларига мурожаат
қилишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ
АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Алгоритм — 1 даҳасидаги,
Г-35 даги,
Гулистон даҳасидаги,
Чилонзор даҳасининг 30, 31-
мавзеладаги,
Изза даҳасидаги

манзилларда истикомат қи-
лувчи фуқаролар 170-АТСга теле-
фонларни расмийлаштириш юза-
сидан қуйидаги манзилга так-
лиф этилади:

Чилонзор даҳаси, 30-мавзе,
87, 94-автобусларнинг сўнгги
бекати.

Маълумотлар олиш учун теле-
фон: 170-21-70.

Тошкент шаҳар телефон тар-
моғи ва радиоллаштириш ишлаб
чиқариш бирлашмаси.

ИШГА
МАРҲАМАТ!

Ташкилотга қимматли қоғоз-
лар билан ишлаш борасида
тажрибага эга бўлган, камида
икки йиллик иш стажига эга бўл-
ган бухгалтер керак.

Ушбу манзилга—Т. Шевченко
кўчаси, 17-уйдаги ходимлар бў-
лимига мурожаат қилиш керак.

Маълумотлар олиш учун теле-
фон: 54-17-53.

Тошкент шаҳар телефон тар-
моғи ва радиоллаштириш ишлаб
чиқариш бирлашмаси.

ТАШКИЛОТЛАР ВА
ИДОРАЛАР
БОШЛИҚЛАРИГА!

«Тошкент Тадқиқот» (ТошГИИТИ) институти
Тошкент шаҳри ва алоҳида туманлари бўйича
талаб қилинган координатлар системасида лав-
сан ёки қоғоз асосларда, электрон нақли бил-
лан компьютерда интерфейс қулайлигига эга
бўлган 1:2000 миқёсдаги манзилли харитасини
тайёрлайди ва сотади.

Ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга
оширилади.

Бизнинг манзил: 700011, Тошкент шаҳри, А.
Навоий кўчаси, 2-а.

Тел: 41-21-63, 41-03-91, 41-32-62.
Факс: 41-03-91.

Сергели туманидаги «Мебель» акционерлик жамияти қо-
шидаги «Наврўз мебель» дўкони

ТУГАТИЛАДИ

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида
қабул қилинади.

Икки хонали квартира СОТИЛАДИ
Тел: 29-78-46.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига
қарашли педиатрия илмий-тектириш институти маъмурия-
та ва жомаси клиниканинг бош ҳамшираси Матлуба
Тўчиёева Жалиловага волидаи муҳтарамалари

Лазокат ая йўлчиёеванинг
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи-
лади.



Сизнинг реклама-
ларингизни, хусусий
эълонлар ва хуусий биз-
нес бўйича эълонларни,
шунингдек таъзияларни,
таваллуд кунлари,
туғилар, юбилейлар му-
носабати билан кўтмо-
ларни, никоҳ эълонлари
ва шунга ўхшаш эълон-
ларни ўз саҳифаларида
эрилади.

Эълонлар шанба ва
якшанбадан ташқари
хар кун соат 9.00 дан
17.30 гача қабул қи-
лади.

Маълумотлар учун
телефон: 133-28-95,
132-11-39
Факс: (3712) 133-
29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ,
204-ХОНА.

ДУШАНБА, 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тон-
ги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.30 «Ўзбектефилм» намойиш
этади. «Ортим сени қулайди».
«Ушбу кўннинг дурдоналари».

8.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик
курсув.

9.20 «Эрталар» — яхшиликка етак-
лар.

10.00, 14.00, 18.00 — Янгилек-
лар.

10.05 Кино янгилеклари.
10.20 Телевикторина.

10.30 «Ўзбек киноси ижодкорла-
ри».

11.00 «Қасос ва қонун». Бадий
фильм. 1—2-сериялар.

11.30 Ўзбекистон телеархивлари
янгидан дурдоналари.

14.05—14.35 Телевизион миниатю-
ралар театри. «Қўли дастаси».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тақа». Мультфильм.

18.25 «Дўшман билан». Бадий
фильм. 2-серия.

19.00 «Халқ бозорига йўл». Ма-
лязия.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55,
22.00 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир вақт».

20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».

21.00 «Дўшман билан».

22.00 «Дил тароналари». Мусикий
дастур.

22.35 Хусайн Жовид. «Амр Те-
мур». Олим Жўаев номидаги
Сидарё виллоят театрининг
спектакли.

00.35 «Ахборот».

01.00—01.05 Ватан тисоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25,
20.55 — Эълонлар.

18.20 «Бир вақт». Мультфильм.

18.35 «Табиат дунёси».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Этиз қўшиқлари».

20.15 «Мусикий йўлка».

20.30 «Ахборот».

21.00 «Тўртинчи ҳафта».

21.20 «Санта-Барбара». Телевизи-
он бадий фильм.

22.05 «Соғин».

22.25 Кундалик.

22.35 Оқшом ва Эълонлар.

22.45 Видео-О.

00.15—00.20 «Тунингиз хайрли
бўлсин!».

17.55 Янгилеклар.
17.55 «Қасадларлар. Моҳирлар ва
этичлар оламида». Серил.

Россия жамоат телевидениеси.
18.20—21.35

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

22.30 Эълонлар.

22.35 Ҳазрат хазинасида. «Дилла-
руз Жабборова рақсга тушади».

22.45 «Қўшқор». Бадий
фильм. 1-серия (Италия).

23.55—00.15 «Ахборот» (рус тили-
да).

IV
17.10—18.45 Туркия
телевидениеси.

18.45 «Мультарусель».

19.00, 20.40 — Эълонлар.

19.05 «Диллар».

19.35 «Рақурс».

20.05 «Халқон».

20.25 «Авторыд».

20.45 «Товон тўлов». Бадий
фильм.

22.10 «Халқорлик».

22.30 «Спорт-тайм».

23.00—23.10 «Хайрли тун!».

IV
17.10—18.45 Туркия
телевидениеси.

18.45 «Мультарусель».

19.00, 20.50 — Эълонлар.

19.05 «Паровоз».

19.30 «Якшанлар».

20.00 «Спорт-лото».

20.20 «Дунё ва болалар».

20.40 «Автосалтанат».

20.55 «Алп йигитнинг уйлаиши».

Бадий фильм.

22.00 «Яхши кайфият».

22.20 «Нафосат гулшани».

22.55 «Мезон».

23.15 «Халқ карвони».

23.35 «Бу ажиб дунё».

23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 23

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тон-
ги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг
шаҳри.

8.40 «Ўзбекистон бастакорлари».

Анор Назаров.

9.20 «Иқтисодий чорраҳаларида».

9.40 «Авлод». Публицистик
курсув.

10.00, 14.00, 18.00 — Янгилек-
лар.

10.05 «Идрок».

Ўқув курсувлари:

10.30 География.

11.00 Алифбо сабоқлари.

11.30 «Фил йўқолди». Бадий
фильм.

12.40 «Биз талланган йўл». Видео-
канал.

13.40 «Талаб ва спорт».

14.05—14.40 «Қонун ва биз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.10 Болалар учун. «Бешбармоқ».

18.35 «Ўқит сари».

18.55 «Ўқит сари».

19.25, 20.25, 20.55, 22.00,
23.05 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 «Юзма-юз».

20.10 Оқшом эрталари.

21.00 Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг X сессияси-
да.

22.05 «Қўшиғимиз сизга армуғон».

Мусикий курсув.

22.45 «Дурдона». А. Фаробий.

23.00 «Ахборот».

23.35 «Фирбиғарнинг фирбиғар».

Бир бир ҳафта зир югуриш». Ба-
дий фильм.

01.05—01.10 Ватан тисоллари.

9.00 «Болалар дунёси».

9.15 «Сувети дунёси». Серил.

9.40 «Турфа олам».

10.10 «Нафосат».

10.20 «Жаран».

10.55 «Даллас». Телесериал.

11.25 «Зар қадри». Мусикий дас-
тур.

12.00 Видео-О.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Даракчи».

18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар
учун дастур.

18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесе-
риал.

18.50 «Бир ҳуфт қўшиқ».

19.00 «Билиб қўйган яхши».

19.10 «Мултойб».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 «Юзма-юз».

20.10 Оқшом эрталари.

21.00 Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг X сессияси-
да.

22.05 «Қўшиғимиз сизга армуғон».

Мусикий курсув.

22.45 «Дурдона». А. Фаробий.

23.00 «Ахборот».

23.35 «Фирбиғарнинг фирбиғар».

Бир бир ҳафта зир югуриш». Ба-
дий фильм.

01.05—01.10 Ватан тисоллари.

9.00 «Болалар дунёси».

9.15 «Сувети дунёси». Серил.

9.40 «Турфа олам».

10.10 «Нафосат».

10.20 «Жаран».

10.55 «Даллас». Телесериал.

11.25 «Зар қадри». Мусикий дас-
тур.

12.00 Видео-О.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Даракчи».

18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар
учун дастур.

18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесе-
риал.

18.50 «Бир ҳуфт қўшиқ».

19.00 «Билиб қўйган яхши».

19.10 «Мултойб».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 «Юзма-юз».

20.10 Оқшом эрталари.

21.00 Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг X сессияси-
да.

22.05 «Қўшиғимиз сизга армуғон».

Мусикий курсув.

22.45 «Дурдона». А. Фаробий.

23.00 «Ахборот».

23.35 «Фирбиғарнинг фирбиғар».

Бир бир ҳафта зир югуриш». Ба-
дий фильм.

01.05—01.10 Ватан тисоллари.

9.00 «Болалар дунёси».

9.15 «Сувети дунёси». Серил.